O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2012-yil 12-dekabr, chorshanba ✱ № 50 (802) ✱ 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ✱ elektron manzil: info@uzhurriyat.uz ✱ www.uzhurriyat.uz

МАЪНАВИЙ САЛОҲИЯТ ВА ВАТАНПАРВАРЛИК ТУЙҒУСИ



— Кенгашнинг тузилиши мамлакатимизда шаклланаётган демократик жараённинг бир кўринишидир. Ўзингиз биласиз, ҳарбийларимиз турмуш тарзи, фаолияти — ёпиқ жараён. Аммо уларнинг ҳам ўзига хос дарду ҳасратлари, муаммолари, фикр-мулоҳазалари мавжуд.

⇨ 3-бет

ЖУРНАЛИСТЛАР УЧУН ХАВФЛИ ҲУДУДЛАР

Аниқланишича, ҳозирги кунда Сурия журналистлар учун энг хавфли ҳудуд сифатида кўрсатилмоқда. Жорий йилнинг шу кунига қадар мамлакатда ҳукумат ва исёнчилар ўртасида кечаётган уруш туфайли 40 га яқин ОАВ ходимлари ҳаёт билан видолашган.

5-бет

ИЛМ КОНИ, БИЛИМ МАСКАНИ

Қувонарлиси, Хоразм воҳаси учун мос, юқори самара берадиган, шунингдек, сув танқислигига, экологик ва бошқа экстремал шароитларга бардошли ғўза навларини яратишда Республика Фанлар академияси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти олимлари билан ҳамкорликда илмий ишлар олиб борилмоқда.

⇨ 8-бет

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

✱ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 5 декабрь куни Туркманистон пойтахти Ашхобод шаҳрида бўлиб ўтган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этди.**

✱ 5-6 декабрь кунлари Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўнинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз тараққиётига дахлдор йигирмага яқин масалалар кўриб чиқилди.

✱ **6 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги қарори матбуотда эълон қилинди.**

✱ 7 декабрь куни Президент Ислом Каримов Оқсаройда бир гуруҳ юртдошларимизга Ватанимизнинг юксак мукофотларини топширди.

✱ **7 декабрь куни "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунинг йигирма йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда Президентимиз Ислом Каримов маъруза қилди ва 2013 йилни "Обод турмуш йили" деб атади.**

✱ 11 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори матбуотда эълон қилинди.

«Hurriyat» газетаси «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси самолётларида ҳам йўловчиларнинг доимий ҳамроҳи.



Ж.НОРҚОБИЛОВ (ЎзА) олган сурат

Ёшлар ватан ҳимояси учун доимо тайёр

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида замон талабларига тўла жавоб берадиган профессионал миллий армияни шакллантириш жараёнида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 20 ноябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир.

Мазкур фармон асосида Қашқадарё вилоятида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда чақириқ-қача ёшларни тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётгани самарасида миллий армиямиз сафларида ҳар жиҳатдан соғлом, мард, жасур ва фаол ҳаётий позицияга эга ёшлар кўпаймоқда. Йигитларни муддатли ҳарбий хизматга тайёрлашда жойлардаги мудофаа ишлари бўлимлари, таълим муассасалари ва маҳаллаларда олиб борилаётган маънавий-тарбиявий ишлар, айниқса, муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ёшларнинг ҳарбий соҳага қизиқиши таълим тизимида жорий этилаётган чақириққача ёшларни тайёрлаш фанини ўқитиш жараёнида шаклланади. Бу фан ўқитиладиган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида дарсларнинг сифатли ўтилишига, ёшларнинг ҳарбий тартиб-интизом, қурол-яроғдан фойдаланиш бўйича назарий билим ва амалий кўникмаларини бойитишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизнинг барча жойларида бўлгани каби айни кунларда Қарши шаҳрида ҳам мудофаа ишлари бўлими ва мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш, тест синови орқали интеллектуал даражасини аниқлаш, жисмоний тайёргарлигини баҳолаш борасидаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Жорий йилда Қарши банк коллежини тамомлаган Маъруф Латипов муддатли ҳарбий хизматга пухта тайёргарлик кўриб келаётган ёшлардан. Коллежни аъло баҳоларга битирган бу йигит беш йилдан буён спортнинг қўл жанги тури билан шуғулланади.

— Спорт билан мунтазам шуғулланганим учун бўлса керак, жисмоний тайёргарлик синовларида энг юқори балл тўпладим, — дейди М.Латипов. — Давлат тест маркази ходимлари томонидан яқинда ўтказилган тест синовида ҳам юқори натижаларга эришишимда коллежда олган билимларим қўл келди.

Қарши шаҳар мудофаа ишлари бўлимида ёшларни тиббий кўрикдан ўтказиш замонавий талаблар асосида ташкил этилган. Бўлажак аскарларни тиббий кўрикдан ўтказаётган малакали шифокорлар барча зарур тиббий жиҳозлар билан таъминланган. Чақирилувчилар шу ернинг ўзида дерматолог, жарроҳ, стоматолог, лор, асаб тизими ҳамда кўз касалликлари шифокорлари кўригидан ўтаётир.

— Ҳозир муддатли ҳарбий хизматга шайланаётган йигитлар илгариги чақирилувчиларга нисбатан соғлом ва бақувват, энг муҳими, уларнинг қалбида она Ватанга садоқат ва фидойилик билан хизмат қилишдек олижаноб туйғулар кучли, — дейди Қарши шаҳар мудофаа ишлари бўлими чақирув комиссияси аъзоси, олий тоифали шифокор Соҳиба Азизова. — Яна бир жиҳати, улар бир неча хорижий тилларни ва компьютерда ишлашни яхши ўзлаштирган муайян касб эгаларидир.

Буларнинг барчаси Юртбошимиз раҳнамолигида мудофаа ишлари бўлимларининг йиғин ва чақирув пунктлари инфратузилмасини ривожлантириш, моддий-техник ашё ва тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланишини янада яхшилаш, чақирув ёшидаги йигитларни армияга тайёрлаш, муддатли ҳарбий хизматни ўташ тизимини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар самарасидир.

Ф.ХОЛМИРЗАЕВ,
ЎзА мухбири

3 ⇨

Ифтихор

Бахтиёрлик мандати

Ҳар қандай конституциявий-ҳуқуқий давлат учун нормал ҳисобланган конституциявий ривожланиш ўзига хос тараққиёт йўлидан бораётган Ўзбекистон учун асосий маёқ вазифасини бажаради.

Таъкидлаш ўринлики, инсон ҳуқуқлари ҳар қандай ҳуқуқий демократик давлатнинг энг муҳим белгиларидан ҳисобланади. Инсон ҳуқуқлари ҳимоясининг нечоғли мукаммал ишлаб чиқилгани ҳар бир давлатнинг демократик тараққиёт даражасини белгиловчи асосий мезондир.

Президентимиз ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида юртимизда олиб борилаётган ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад Ўзбекистон Конституцияси ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормалари билан мустаҳкамланган инсон ҳуқуқлари, эркинликларини таъминлаш, унинг ҳаёти, қадр-қиммати ҳамда бошқа манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмларини шакллантиришга қаратилган. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг устуворлиги, фуқароларнинг суд орқали ҳимояланишга доир ҳуқуқлари, айбсизлик презумпцияси каби қатор фундаментал тамойиллар мамлакатимиз ҳуқуқий доктринасининг асосини ташкил этади.

Инсоннинг Конституцияда назарда тутилган асосий ҳуқуқ ва эркинликлари республикамиз парламенти томонидан қабул қилинган 14 та кодекс, шунингдек, 500 дан зиёд амалдаги қонунларда мустаҳкамланган. Қайд этиш жоизки, бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, қабул қилинаётган қонунларнинг ҳар бири Конституциямизда зикр этилган инсон ҳуқуқ ва эркинликларини янада яхшилашга қаратилган. Хусусан, мустақиллигимиз қўлга киритилишидан олдин Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 33 та моддаси бўйича ўлим жазоси қўлланган бўлса, 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Жиноят кодексида бу жазо 13 ҳолатда амалга ошириладиган бўлди. Бундан ташқари, мазкур жазо тури йиллар давомида камайтирилиб, 2003 йилдан эътиборан бундай жазо фақат 2 турдаги жиноятчиликка нисбатан (қасддан одам ўлдириш ва терроризмга оид жиноятлар содир этилганда) қўлланадиган бўлди.

Президентимизнинг 2005 йил 1 августдаги «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармони ҳамда унга асосан қабул қилинган «Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ 2008 йилнинг 1 январидан бошлаб ўлим жазоси жиноий жазо тури сифатида бекор қилинди.

2 ⇨

ОБУНА — 2013

Қадрли юртдошлар!

Азиз муштарийлар! "HURRIYAT" газетаси — маънавиятимизни янада бойитишда, ижтимоий фаоллигимизни оширишда, жамиятни демократлаштириш, халқимизнинг фаол фуқаролик позициясини шакллантириш йўлида замондошларимиз ҳамжиҳатлик билан бажараётган хайрли ишларининг фаол тарғиботчисидир. 2013 йил учун обуна давом этмоқда. Сиз ҳам жамоатчиликдан четда қолманг. Обуна бўлинг!

"HURRIYAT" ГАЗЕТАСИ СИЗНИНГ ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛИШИГА ИШОНАМИЗ

Эслатиб ўтамиз: **"HURRIYAT"** *нинг нашр индекси — 233*

Семинар

Ёш журналист ва мутахассислар малака оширди

Андижон шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат-нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳамда "Водий" жамоатчилик телерадиоси" нодавлат нотижорат ташкилоти томонидан ёш журналистлар ва техник ходимлар учун "Ахборот тайёрлаш мезонлари" мавзуида семинар-тренинг ўтказилди.

— Мазкур семинардан кўзланган мақсад ёш мутахассисларнинг билим ва касб малакасини оширишга кўмаклашишдан иборат, — дейди "Водий" жамоатчилик телерадиоси" нодавлат нотижорат ташкилоти директори Муроджон Тўхтаназаров.

Кейинги йилларда "Водий" жамоатчилик телерадиоси" нодавлат нотижорат ташкилоти томонидан электрон оммавий ахборот воситалари ижодий-техник ходимлари малакасини оширишга бағишлаб қатор семинарлар ўтказилаётир. Бундай тадбирлар орқали ёш журналистларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, тасвир, монтаж ишларига қизиқувчиларнинг устоз-шогирд анъаналари асосида касб маҳоратини ўстиришга асосий эътибор қаратилмоқда.

Навбатдаги семинарда нодавлат телерадио ташкилотларида фаолият олиб бораётган ёшлар интерфаол усулдаги назарий ва амалий машғулотларда қатнашди. Анжуман давомида улар ижодий гуруҳларга бўлинган ҳолда мустақил кўрсатувлар тайёрладилар. Семинарда ана шу кўрсатувларнинг ютуқ ва камчиликлари атрофлича муҳокама қилинди.

— Ушбу семинарда соҳага оид кўплаб янгиликларни ўргандик, ўзаро тажриба алмашдик, — дейди "Марғилон-ТВ" мухбири Мафтуна Мамасиддикова. — Бу келгуси фаолиятимизда ўз самарасини бериши, шубҳасиз.

Семинар якунида иштирокчиларга тегишли сертификатлар топширилди.

Ф.УБАЙДУЛЛАЕВ,
ЎзА мухбири

Бахтиёрлик мандати

(Бошланиши 1-бетда.)

Дунёдаги 122 мамлакат қатори бизнинг юртимизда ҳам ўлим жазосининг бекор қилиниши давлатимизнинг жиноий-ҳуқуқий соҳада энг инсонпарвар сиёсат олиб бораётганини, ушбу соҳада Ўзбекистон Республикаси ўз Конституциясида кафолатланган муҳим принципларга асосланишини яна бир бор намоён қилди. Шунингдек, ҳар бир шахснинг малакали юридик ёрдам олишга доир конституциявий ҳуқуқини янада мустаҳкамлаш, тергов ёки суд жараёнларида айблов ҳамда ҳимоянинг тенглигини таъминлаш, адвокатларнинг ҳар жиҳатдан мустақил ва профессионал корпусини шакллантириш мақсадида Президентимизнинг 2008 йил 1 майдаги «Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони асосида қабул қилинган «Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун 2009 йилнинг 1 январидан кучга кирди. Хулоса қилиб айтганда, юртимизда ҳар бир шахснинг малакали юридик ёрдам олишга бўлган конституциявий ҳуқуқини амалга оширишнинг самарали механизми яратилди.

Буни яқинда Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимда Юртбошимиз таъкидлаган: «Юртимизда қабул қилинган ва қабул қилинаётган қонунлар ва ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, умуман, бугун бизнинг амалий ҳаётимизда қилаётган барча-барча ишларимиз мамлакатимизни ривожлантириш ва модернизация қилиш суръатларини қай даражада жадал таъминлаб бераётгани, бизни ўз олдимизга қўйган бош мақсадимизга, яъни Ўзбекистоннинг дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторидан жой олишидек буюк мақсадга қанчалик яқинлаштираётганини англаш ва баҳолаш биз учун, айниқса, муҳимдир.

Ана шундай юксак мақсадларга эришишнинг ҳал қилувчи омилларидан бир бу, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимиз аҳолисининг онгу тафаккури ва дунёқарашида юз бераётган ўзгаришлар, унинг ҳаётга, меҳнатга бўлган муносабати, тобора ўсиб бораётган сиёсий ва ҳуқуқий маданияти, десам, асло муболаға бўлмайди», — деган хулосада ҳам ўз мужассамини топганини кўриш мумкин.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда ҳуқуқий демократик жамиятни барпо этиш, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини энг олий қадрият сифатида қарор топтириш борасида, шунингдек, қонунчилик ва амалий фаолиятимизда қандай ютуқларни қўлга киритган бўлсак, уларнинг барчаси Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилган тамойилларга узвий боғликдир. Биз қураётган жамият, ҳаётимизга кириб келаётган янгиликлар, юртимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг тақдири, аввало, халқимизнинг бу ўзгаришларни англаб етиши ҳамда қўллаб-қувватлашига, одамларимизнинг дунёқараши ва тафаккурининг юксалишига бевосита боғлиқ. Шундай экан, ҳар биримиз юртдошларимизга қонун, меъёрий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини ўз вақтида англатиб боришда собитқадам бўлмоғимиз керак.

Дилшод НАИМОВ,
Бухоро вилояти Адлия бошқармаси инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи

Солиқ

Тушунтиришлар зое кетмади

Кейинги йилларда юртимиз бозорлари кўркамлашмоқда. Бундай ўзгаришлар – тўкин-сочинлик, саранжом-саришталик харидорларни ҳам, сотувчиларни ҳам мамнун этаяпти.

Тизимдаги ишларнинг тўғри ташкил этилиши, кунлик тушумларнинг ўз вақтида ундирилишида солиқ идораларининг муносиб ҳиссаси бор. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси Давлат солиқ бошқармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 28 августдаги "Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида белгилаб олинган вазифалар ижросини таъминлаш борасида муайян амалий ишлар олиб бориляпти.

Шу йилнинг ўтган 10 ойи давомида республика солиқ идоралари томонидан бозорларда 634 та қисқа муддатли текширув ўтказилиб, тегишли ҳужжатлари бўлмаган 684,5 миллион сўмлик товар-моддий бойликлар ашёвий далил сифатида олиб қўйилди. Ҳуқуқбузарларга нисбатан жарималар қўлланди, 18 та қонунбузилиш ҳолати юзасидан жиноят ишлари қўзғатилди. Шу билан бирга, текширишлар чоғида 156 та ҳолатда савдо тушумларини назорат-касса машинасидан ўтказмаслик, 35 ҳолатда тўлов терминалидан фойдаланиш қоидаларини бузиш, 65 ҳолатда нақд пул тушумларини банк муассасасига топширмаслик каби қоидабузарликлар аниқланиб, қонун доирасида чоралар кўрилди.

Ушбу тадбирларнинг давомийлиги таъминланиб, сохта тадбиркорларнинг норасмий фаолият юритишларига чек қўйилиб, қонуний асосда иш бошлашларига эришилди.

А.РАХМЕТУЛЛАЕВ,
Қорақалпоғистон Республикаси Давлат солиқ бошқармаси бўлим бошлиғи

ННТлар фаолиятидан

Имкониятлари кўп, самараси ҳадсиз

Урганч шаҳридаги «Тараққиёт» аёллар ва ёшлар маркази ходимлари кам таъминланган оилаларга кўмаклашишни ўз олдига мақсад қилиб олишган. Оила, мактаб ва маҳалла мутасаддилари билан йўлга қўйилган ҳамкорлик натижасида янги-янги имкониятлар пайдо бўлмоқда.

Ўтган йили марказ «Оилавий бизнес ва касаначиликни ривожлантириш мақсадида Урганч шаҳридаги «Феруз» ва «Тозабоғ» маҳаллаларининг ишсиз аёлларига қисқа ўқув курсларида ҳунар ўргатиш ва уларни тадбиркорликка йўналтириш» мавзусидаги илк лойиҳасини муваффақиятли амалга оширган эди. Лойиҳа доирасида маҳалла хотин-қизлари тикувчилик, тўқувчилик, каштачилик, қандолатчилик сирларини ўрганишди. Бундан ташқари, «Бизнесни қандай бошламоқ керак?» мавзусидаги семинарда иштирок этиб, ўрганган ҳунарлари орқали қандай қилиб оилавий бизнесни йўлга қўйиш тўғрисида маълумотларга эга бўлишди. Негаки, кенг қамровли фаолият юритиш учун фақат ҳунар ўрганишнинг ўзи етарли эмаслиги барчага кундай равшан. Ўз маҳсулотини тақдим қилиш учун одамлар билан мулоқотга киришишни, маҳсулотни кенг миқёсда ишлаб чиқариш йўл-йўриқларини яхши билиш лозим. Қолаверса, аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда иш юритиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

— Танлаган мутахассислигим бўйича билим олишдан ташқари «Тараққиёт» маркази лойиҳасида қатнашиб, тикувчилик ва қандолатчиликни ўрганиб олдим, — дейди «Тозабоғ» маҳалласида истиқомат қилувчи Нилуфар Жуманиёзова. — Ҳар бир аёл қайси касб эгаси бўлишидан қатъи назар, бу ҳунарлардан хабардор бўлиши шарт, деб ҳисоблайман. Аёлларнинг гўзаллиги, аслида, уларнинг эпчиллиги, пазандалиги-ю ширин муомаласида намоён бўлади. Бундай аёлларни чин маънода хонадоннинг фаришталари, дейиш мумкин. Қолаверса, рўзғорини ҳалол меҳнат эвазига тебратаман деган кишига барча имкониятлар эшиги очиб қўйилган бугунги замонда мен кам таъминланганман, деб ўтиришнинг ўзи уят. Ишнинг кўзини билиб, ҳаракат қилганлар, албатта, муродига етади.

Дарҳақиқат, бугунги ёшларнинг ҳаётга муҳаббати, жўшқин шижоати қалбни тўлқинлантириб юборади. Зеро, хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигининг сустлиги, уларнинг рўзғор ташвишларига кўмилиб, уйда ишсиз ўтириб қолишлари боқимандалик кайфиятининг шаклланишига олиб келади. Бу ҳар қандай инсонда нохуш кайфият уйғотиши турган гап. Шу жиҳатдан олиб қаралганда, «Тараққиёт» марказининг амалга ошираётган лойиҳалари асосан меҳнат билан банд бўлмаган хотин-қизлар фаоллигини оширишга, уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир.

Марказ жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан ўтказилган танловда «Қариндошлар ўртасидаги никоҳ ва эрта туғишнинг олдини олишда, ёшларни юксак одоб-ахлоқ тамойиллари асосида тарбиялашда оила, мактаб ва маҳалла ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш» мавзусидаги лойиҳа билан қатнашиб, грант соҳиби бўлишди. Унга кўра, маҳаллаларда, мактаб, коллеж ва олий ўқув юртларида мазкур йўналишдаги тарғибот-ташвиқот ишларини янада ривожлантириш, таҳлилий сўровномалар, турли тадбирлар, телекўрсатув ва радиоэшиттиришларни ташкил этиш режалаштирилган.

— Ташкилотимиз «Ривож», «Ҳамдард», «Интер-билим», «Фарзанд» сингари нодавлат нотижорат ташкилотлари билан бир қаторда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлимлари, «Мансура-нур» хусусий корхонаси, «Эътиқод» хусусий фирмаси билан ижтимоий шерикчилик асосида фаолият юритмоқда, — дейди марказ директори Дилбар Бекжонова. — Шунингдек, вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси билан ҳамкорликда «Журналистларни компьютер ва интернетга ўқитиш» номли лойиҳани ҳам амалга оширдик. Натижада 65 нафар журналист малака оширишга муваффақ бўлди. Бугунгача 400 нафардан ортиқ аёллар, ёшлар ва болаларга ёрдамимиз текканидан мамнунмиз.

Дарҳақиқат, «Тараққиёт» маркази юртдошларимиз турмушининг нафақат иқтисодий юксалиши йўлида, балки уларнинг маънавий-руҳий оламини баркамоллик сари етаклашдек улуғ ишга ҳам баҳоли қудрат ҳисса қўшиб келаяпти. Айниқса, тадбиркорликни ўрганган аёлларнинг чеҳрасидаги ўзига ишонч, одамларга нафи тегаётганидан фахрланиш туйғусини кўриб, кўнглингиз тоғдай кўтарилади.

Шаҳзода ҲАКИМОВА,
«Hurriyat» мухбири

Мақола Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди грант танловининг «Учинчи сектор ривожи йўлида ҳамфикр, ҳамқадам ва ҳаммаслак бўлайлик» номли лойиҳаси асосида чоп этилмоқда.

Кўргазма таассуротлари

Янги марралар сари

Фермерларимиз нафақат янги мулкдор, балки иқтисодиётимиз барқарорлигини таъминловчи мустаҳкам бўғинга айланди. Юртимизда етиштирилаётган пахтанинг 99,5, ғалланинг 80, пилланинг салкам 98 фоизи фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келаётгани бу фикрга далил бўла олади.

Мамлакатимизда мулкка эгалик, тадбиркорликка кенг йўл очилганидан сўнг 2011 йилда 2000 йилга нисбатан дон етиштириш 10 марта, картошка — 13, сабзавот — 19, мева — 26, узум — 20, гўшт (тирик вазнда) — 4, сут — 4,3 ва тухум ишлаб чиқариш 31 баробарга кўпайди. Бундан ташқари, фермер хўжаликларида қишлоқ аҳолисининг 50 фоизига яқини иш билан банд. Бу уларнинг ижтимоий мавқеини янги босқичга кўтармоқда.

Дарҳақиқат, соҳа сўнгги йилларда жадал суръатларда ривож олмоқда. Фермер хўжаликлари нафақат пахта ва ғалла етиштиришда, балки сут, гўшт, нон, қандолат каби кундалик эҳтиёж маҳсулотларини қайта ишлашда ҳам бой тажрибага эга бўлишяпти. Уларнинг маҳсулотлари ички ва ташқи бозорда ўз харидорларини топаётгани соҳада иш сифатини оширмоқда. Соғлом рақобатни таъминлаяпти. Буларнинг барчаси давлатимиз раҳбарининг тадбиркорлик субъектларини ривожига қаратаётган жиддий эътибори самараларидир.

Яқинда пойтахтимизда бўлиб ўтган "ЎЗАГРОЭКСПО — 2012" VIII халқаро ихтисослашган кўргазмасида қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат саноати, савдо ва музлатиш ускуналари, қадоқлаш, чанқовбосди ичимликлар ва ингридиентлар йўналишларидаги ускуна ҳамда технологиялар намойиш этилди.

Кўргазмада қатнашганлар Россиянинг "Клевер", Белорусь республикасининг "Гомсельмаш", Украинанинг "Велес-агро" Хитойнинг "Machinery Co.Ltd" ва Ўзбекистоннинг "SN Invest" ҳамда "Agrotechsystem & CMC" корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги техникалари, бутловчи ва эҳтиёт қисмлари имкониятлари билан танишдилар.

— 2009 йилда 41 миллион сўм маблағ эвазига колбаса маҳсулотларини тайёрлайдиган технология харид қилган эдим, — дейди бухоролик тадбиркор Зиёдулло Соатов. — Эндиликда ишлаб чиқариш доирасини янада кенгайтиришга ҳаракат қилаяпман. Шунинг учун сутни қайта ишлайдиган ускуна харид қилмоқчиман. Пишлоқ қаламчаларини ишлаб чиқариб, қўшни мамлакатларга экспорт қилишни мўлжаллаб турибман.

Мамлакатимиз аграр соҳа вакиллари ниҳол кўпайтириш, уруғ етиштириш, ўғит ва агрохимикатлар ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи корхоналар маҳсулотларини ҳам зўр қизиқиш билан кузатдилар. Мазкур йўналишда Италиянинг "Vitafruit", Россиянинг "Седек", ва "Агрохимпром" ҳамда мамлакатимизнинг "Rosita" компанияларининг техникалари намойиш этилди.

Мутахассислар эътиборидан мева-сабзавотларни қайта ишлаш, шарбат ва шиннилар, музқаймоқ ҳамда гўшт маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи компаниялар стендлари ҳам четда қолгани йўқ. Улар "Euro food trade", "Тошкент Ёғ-мой комбинати" корхоналари шунингдек, "Vazira biznes" фирмаси маҳсулотлари билан танишдилар.

Мамлакатимизда қулай инвестиция муҳитининг яратилгани қишлоқ хўжалиги техникалари ҳамда уларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқарувчи хорижий компанияларнинг юртимизга бўлган қизиқишларини янада оширмоқда. Натижада улар ўз маҳсулотларини мана шундай кўргазмаларда намойиш этиб, ўзбекистонлик харидорлар эътиборини қозонишга ҳаракат қилишмоқда. Шу билан бир қаторда маҳаллий тадбиркорларга ҳам ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида бир қатор солиқ имтиёзлари берилганини таъкидлаш лозим. Масалан, хориждан технология олиб кириш, фаолият бошлагандан кейин муайян муддатга баъзи солиқ турларидан озод қилиш ва бошқа йўналишларда. Бу имкониятлар мамлакатимиз ишбилармонларини янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ундамоқда. Шу ўринда бир мисол келтирамиз. Юртимизда сўнгги 3 йилда биргина истеъмол бозорини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш учун 540 дан ортиқ янги корхоналар ишга туширилиб, 150 дан зиёд янги маҳсулот турларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

"ЎЗАГРОЭКСПО — 2012" VIII халқаро ихтисослашган кўргазмасидан кейин бу рақамлар янада ўсишига шубҳа йўқ.

Ҳасан САЛОМОВ,
"Hurriyat" мухбири

Ибратли оила

Ҳаловат оғуши

Султонбой Ҳалимбетов Тўрткўл туманидаги Туркманкўли маҳалласида истиқомат қилади. У 2008 йилга қадар тумандаги 11-сонли умумтаълим мактабида ўқувчиларга кимё, биология фанларидан сабоқ бериб келди. Шу билан чекланиб қолмасдан давлат таълим стандартларига мос келадиган замонавий дарсликларни яратиш мақсадида республикадаги тажриба-синов марказлари билан доимий ҳамкорликда самарали иш олиб борди. Унинг бу каби фидокорона меҳнатлари ҳукуматимиз эътиборидан четда қолмади. Султонбой ака 2001 йилда "Мустақилликнинг ўн йиллиги" кўкрак нишони, 2008 йилда эса "Ўзбекистон халқ ўқитувчиси" унвони билан тақдирланди.

— Мен улғайган хонадонда болаликданоқ шифокорликка меҳр бўлакча эди, — дея хотирлайди устоз. — Мен, опам ва иниларим айнан шу касбни эгаллашни орзу қилардик. Отамнинг «Шифокор бўлиш учун тиббиётга оид билимларни пухта ўзлаштириш лозим», деган ўгитига амал қилиб, ҳаммамиз китобга шўнғирдик. Вояга етгач, опам, икки синглим, укам тиббиётнинг турли соҳалари бўйича мутахассис бўлишди. Мен ва икки укамга ўқитувчилик насиб қилди. Талабалигимда "Одам ва унинг саломатлиги", "Умумий биология"ни севиб ўқирдим. Организмда кечадиган генетик ҳодисаларни чуқур ўргандим. Шу сабабли диплом ишим ҳам айнан суякларнинг дарз кетиши, пайларнинг чўзилиши билан бевосита боғлиқ эди.

Султонбой ака Самарқанд давлат университетининг кимё-биология факультетини тугатгач, ўзи туғилиб ўсган қишлоқдаги мактабда ишлай бошлади. Муаллим бу ерда дарс беришдан ташқари 22 йил давомида шу мактабда бошланғич касаба уюшма ташкилоти раиси бўлиб ишлади. У ҳозир ҳам ўз касбидан чин маънода фахрланишини эътироф этади:

— Шифокорнинг вазифаси касални даволашдан ҳам кўпроқ унинг олдини олишдан иборат. Менинг вазифам эса бир пайтнинг ўзида ўнлаб болаларга таълим-тарбия бериш, кутилмаганда тан жароҳати олган ёхуд оғир шикастланганларга "биринчи ёрдам" кўрсатишни ўргатишдир. Шунингдек, шифокор бўлишни орзу қилган ёшларга мактабда олган билимлари асосий пойдевор бўлишини уқтириш, уларни соғлом турмуш тарзига риоя қилишга одатлантиришдек масъулиятли вазифани адо этганимни ўйласам, кўнглим фахр-ифтихорга тўлиб-тошади.

Инсон ҳар доим бахтга эришишга интилиб яшайди. Энг олий бахт эса ҳаётда ўзига муносиб умр йўлдош топа билишда, деб ҳисоблайдиган мақоламиз қаҳрамони ана шундай бахтга эришганлардан. Турмуш ўртоғи билан 38 йилдан буён тотув яшаб келаяпти. Шу йиллар мобайнида етти нафар фарзандни вояга етказиб, уларнинг илмли, ҳунарли бўлишларига астойдил ҳаракат қилишди. Меҳнатлари зое кетмади: фарзандлари ишончни оқлашди. Қизларнинг бири кимё-биология фани бўйича олий маълумот олиб, отаси ишлаган мактабда унинг касбини давом эттирмоқда. Бошқа қизлари ҳамшира, тикувчи. Кенжа қизи эса Тошкент давлат педагогика университетининг биология факультетида таҳсил олаяпти.

Султонбой аканинг болаликдаги ушалмаган орзусини ўғли Ғуломжон амалга оширди. У тиббиёт фанлари номзоди. Ҳозир Ғуломжон докторлик ишини ёқлаш ниятида Тошкент Тиббиёт академиясида таҳсил олмоқда. Ота-она учун бундан ортиқ бахт борми?

Султонбой аканинг бахтга чулғанган оиласига кўпчилик ҳавас билан қарайди. Дарҳақиқат, жамиятимизда ибрат олсанг, арзигулик мана шундай зиёли инсонлар, мустаҳкам оилалар қанча кўп бўлса, юртимиз шунчалик тез равнақ топиб бораверади.

Назокат САПАРБАЕВА
Қорақалпоғистон Республикаси

ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ ОЛДИДАН

МАЪНАВИЙ САЛОҲИЯТ ВА ВАТАНПАРВАРЛИК ТУЙҒУСИ

Маълумки, эзгу мақсадларни кўзлаган ҳар бир хайрли ташаббусни қўллаб-қувватловчилар кўп бўлса, тараққиётга эришиш осон кечади. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 24 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузурида Жамоатчилик кенгашини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори мамлакатимиз Қуролли Кучлари тизимида фуқаролик назоратини жорий қилиш, ҳарбий хизматни ўташ жараёнида очиқлик ва ошкоралиқни таъминлаш, ҳарбий касб нуфузини, хизматчилар ва чақириққача бўлган ёшларнинг маънавий дунёқарашини бойитиш, уларда ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш каби мақсадларга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Бу ҳақда газетхонларимизга батафсил маълумот бериш ниятида Мудофаа вазирлиги ҳузурида тузилган Жамоатчилик кенгаши раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, халқ шоири Иқбол МИРЗОга саволлар билан мурожаат қилдик.

— Иқбол ака, мазкур Кенгашни тузишдан кўзланган асосий мақсад ҳақида батафсилроқ тушунча берсангиз?

— Кенгашнинг тузилиши мамлакатимизда шакллана ётган демократик жараённинг бир кўринишидир. Ўзингиз биласиз, ҳарбийларимиз турмуш тарзи, фаолияти — ёпиқ жараён. Аммо уларнинг ҳам ўзига хос дарду ҳасратлари, муаммолари, фикр-мулоҳазалари мавжуд. Асосийси, қўлида қуроли бор хизматчиларнинг юрагида нима бор? Кенгаш мана шу масалаларда омма билан мудофаа тизими ўртасида воситачи вазифасини ўтайди. Армиянинг ичида руҳий, маънавий ҳолат қанақа? Бўлажак офицерларимизнинг билим олишлари қай даражада? Уларнинг қандай хоҳиш-истаклари бор? Ҳатто яшаш шароитидан тортиб юзага келган муаммоларигача батафсил ўрганиб, тўғридан-тўғри Мудофаа вазирлигини, жамоатчиликни огоҳ қилиш асосий иш мезонимиздир.

Бундан ташқари, чақирув жараёнлари ўтказиладиган ҳудудларда масъул шахслар билан биргаликда ишлаш, ўқув семинарларини ташкил этиш орқали навқирон дилларда юртга меҳр, садоқат туйғуларини ошира олсак, айни муддао бўларди. Лўнда қилиб гапирганда, фаолиятимизнинг мазмун-моҳияти мамлакатимиз мудофаа қудратини оширишга ёрдам беришдан иборат.

— Қарор ижросини таъминлашга киришилганига ҳали ҳеч қанча вақт бўлгани йўқ. Бу борада амалда нималар қилинди, галдаги режалар қандай?

— Низомдан келиб чиққан ҳолда беш йўналишда комиссия тузилди. Уларга раислар тайинланди. Комиссиялар йўналишлардан келиб чиқиб фаолият олиб боради. Режалар ишланяпти. Бу ҳали дастлабки жараён. Лекин ана шу босқичнинг аҳамияти катта. Чунки асосий йўналишларни тўғри йўлга қўйиб олсак, келгусидаги вазифаларни бажариш осон кечади.

Ҳарбий қисмлар ва билим юртларида бўлган учрашувларда шундай хулосага келдимки, оддий аскарлардан тортиб курсантлар, офицерларгача Жамоатчилик кенгашидан жуда кўп нарсани кутяпти. Суҳбат жараёнларидаги аскарларнинг, офицерларнинг саволлари, кўтарган масалалари ўринли. Мазкур ҳолатларни кўриб Олий Бош Қўмондонимиз ташаббуси билан ташкил этилган мана шу Кенгаш жудаям зарур эканини ҳис қилдим...

Бизнинг жамики чиқишларимиз, телевидениеда бўладими, радиодами ёки матбуотдами, буларнинг ҳаммаси ҳарбий хизматчилар томонидан катта диққат билан кузатилаётгани, ёзиб олиниб аскарларга қайта қўйиб берилаётгани нафақат раҳбарият, балки Мудофаа вазирлиги тизимлари ҳам жуда катта самара кутаётганини билдиради. Демак, ҳарбий соҳанинг ичига чуқур кириб бориб, ҳамкорликда амалга оширадиган ишларимиз жудаям кўп экан. Айниқса, маънавият масалаларига эътиборни кучайтириш кераклиги равшанлашмоқда.

— Жамоатчилик кенгаши низомида оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилиш, ахборот-тарғибот ишларини ташкил этиш алоҳида қайд этилган. Бунда аскарларнинг маънавият-маърифат хоналарида газета-журналлар сонини кўпайтириш, кутубхоналарини янги-янги китоблар билан бойитиш масаласи ҳам кўзда тутилган бўлса кераг-а?!

— Ўринли савол. Ҳарбий қисмларда бўлганимда, кутубхоналарга алоҳида эътибор қаратдим. Буни жонлантирмаса бўлмайди. Газеталарни ҳам, китобларни ҳам кўпайтириш керак. Биз бу масалани атрофлича ўрганиб бўлгач, тегишли таклифларимизни берамиз.

Менимча, аскарлар, балки, «Даракчи», «Бекажон» газеталарини ўқиши шарт эмасдир. Аммо фақат «Ватанпарвар» газетаси билан чегараланиб қолиш ҳам нотўғри. Масалан, ҳарбий қисмлар кутубхоналари албатта «Халқ сўзи», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ёки ўзингиз фаолият кўрсатаётган газета билан таъминланса, ёмон бўлмайди, назаримда. Профессионал армияга профессионал матбуот хизмат қилиши керак-да.

Ҳарбий қисмларга берилган китоблар, айниқса, бадиий адабиётларнинг савияси қай даражада, улар қайси асосда танлаб олинаяпти? Бу масала ҳам эътиборимизда. Масалан, Фарғона водийсидаги ҳарбий қисмлардан бирининг кутубхонасини кузатиб, амин бўлдимки, бу маърифат ўчоғи бой экан. Беш мингга яқин китоб мавжуд. Ҳатто жаҳон классик адабиёти намуналаригача бор. Афсуски, янги нашр қилинаётган китобларнинг етиб бормаётгани ҳам маълум бўлди. Шунга қарамай, бир жиҳатдан хурсандман. Аскарларимиз кўп китоб ўқишаркан. Кутубхоначидан сўраганимда, кейинги бир ойда тутилган қайд дафтарини қўлимга тутқазди. Дафтар тўлган. Китобларнинг ўқилавериб титилиб кетганидан ҳам буни билиш мумкин. Ҳатто муқоваларигача униққан...

Ҳарбий қисмлардаги барча кутубхоналарнинг фондини ўрганиб бўлгач, уларни адабиётлар, газета-журналлар билан таъминлаш бўйича тегишли муассасаларга таклифларимизни тақдим қиламиз.

Аскарларнинг жанговар тайёргарлиги билан бирга маънавий салоҳиятини оширсак, Ватан тушунчаси, ватанпарварлик туйғусини юрақдан ўтказиб ҳис қилишга кўмаклашган, вазифамизнинг асосий қисмини уддалаган бўламиз.

— Жамоатчилик кенгаши фаолият дастурида ижодкор аскарлар билан ишлаш ҳақида ҳам бирор режа борми?

— Албатта. Оддий аскарларнинг орасида ҳам истеъдодлилари ниҳоятда кўп. Уларни оммавий байрамларга, бошқа кичик-кичик тадбирларга жалб қилишни кўзлаяпмиз. Шеър, ҳикоя ёзадиган ҳарбий соҳа вакилларининг ижод намуналарини матбуотга, умуман оммавий ахборот воситаларига олиб чиқиш ниятимиз ҳам йўқ эмас.

— Мустақиллигимизнинг 21 йиллигига бағишланган байрам дастурида айтилган «Аскар мактуби» қўшиғи кўпчиликнинг қалбидан жой олди. Эртамиз эгаларини ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш учун келгусидаги тантаналарда ҳам бир хилликдан чекиниб, шу сингари қўшиқларни бериб бориш керак эмасми?

— Бу саволингизга Жамоатчилик кенгаши раиси сифатида эмас, шоир сифатида жавоб бераман. Юртбошимиз Сурхондарёга қилган ташрифи чоғида ҳарбий қисмда бўлган учрашувда айтганлар: «Аскарнинг ҳам ўз шахсий ҳаёти, туйғулари бор. Мана шуларга ҳам аҳамият беринглар. Булардаям кўнгил, бронжилетнинг тагида ҳам юрак бор...» Шу сўзлар таъсирида яратилган бу қўшиқ. Илгари шеърларимиз фақат «Олға бос» (!) шиори асосида ёзилган бўлса, кейинги байрамда мана шундай самимиятга, очиқ гапларга, халққа яқинликка, аскарнинг кўнглига тушиб боришга ҳаракат қилдик. Навбатдаги тадбирларимиздаги бошқа қўшиқларимиз ҳам шу руҳда тайёрланаяпти. Масалан, 14 январь — Ватан ҳимоячилар куни муносабати билан бўлиб ўтадиган тантана сценарийси ёзилмоқда. Ундаям шунақа самимий, ўзбекона қўшиқлар тайёрлашга ҳаракат қиляпмиз.

Бу қўшиқни ўзим ҳам яхши кўраман. «Салом онам, онажонгинам!..»

— Рухсат берсангиз, ўзингизга шахсий саволим бор эди. Мана, сиз сенаторсиз, қолаверса, Ёзувчилар уюшмаси раисининг ўринбосари ҳамсиз. Энди бу вазифа ҳам зиммангизга юклатилибди. Булардан ортиб яна шеър ҳам ёзиш...

— Бундан ташқари, эстрадани ривожлантириш Жамоатчилик кенгашининг ҳам раисиман. Буёғда телевидениеда ҳам иш бор. Ҳозир ишлайдиган пайтимиз. Оғирлик қилаётгани йўқ. Қайтанга, юк қанча кўп бўлса — кетмон қанча кўп ишлатилса, шунча ялтирайди, бўлмаса, занг босиб қолади — масъулият кишини ғайратлантиради. Одам борки, жамиятдаги қайноқ жараёнда яшаши керак. Талабалигимда ҳам энг кўп шеър ёзган пайтимни олиб қарайдиган бўлсам, имтиҳонлар пайтига, «сессия»лар оралиғи ёки бошқа тиғиз пайтларга тўғри келган. Ахир, яшаш тинимсиз меҳнат билан қизиқда! Шундай эмасми?

«Hurriyat» мухбири Фозил ЖАББОРОВ суҳбатлашди.

ҲАРБИЙ ИНТИЗОМ, ЖИНОЯТ ВА ҲУҚУҚ

Мустақиллик йилларида юртимизда армияни ислоҳ этишга қаратилган, чуқур ўйланган, узоқ муддатга мўлжалланган комплекс дастурни босқичма-босқич амалга ошириш асосида мамлакатимиз Қуролли Кучларини бошқаришнинг замонавий талабларига жавоб берадиган янги тизим яратилди. Ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солиш, интизомни мустаҳкамлаш мақсадида қатор қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси мамлакатимиз ҳудудида тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш асосий вазифаси ҳисобланган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилади. Айни пайтда, бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчиларнинг устав қоидаларини бузиш учун жавобгарлигини белгиловчи ҳуқуқий нормаларни такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, ҳарбий хизматни ўташ тартибига риоя этмаслик қўйилган вазифаларни бажариш жараёнининг бузилишига олиб келади. Бундан ташқари, қўшинлар ҳарбий интизоми ва жанговар тайёргарлигини сусайтириб, мамлакатнинг мудофаа лаёқатига зарар етказади.

Ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузишнинг асосий кўриниши муҳим ижтимоий функцияни, конституциявий бурчини бажараётган жабрланувчининг шахси устидан эўрлик ишлатиш ҳисобланади. Бу жиноятнинг ғайриқонунийлиги яна шу билан белгиланадики, уларнинг барчаси тегишли жиноят-ҳуқуқий тақиқнигина эмас, балки ҳарбий уставлар ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамланган ҳарбий хизмат қоидаларини ҳам бузади.

Бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасида ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш жинояти учун жавобгарликни белгилашда, унинг қуйидаги ўзига хос белгиларига алоҳида эътибор қаратиш лозим:

биринчидан, Жиноят кодексининг 285-моддасига мувофиқ, бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасида ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш деганда, жабрланувчини мунтазам хўрлаш ёки унга азоб бериш, соғлиқнинг бузилишига сабаб бўлган шикаст етказиш, қонунга хилоф равишда озодликдан маҳрум қилиш, шунингдек, ушбу қилмиш натижасида ўлим ёки бошқа оғир оқибатларнинг келиб чиқиши тушунилади;

иккинчидан, мазкур жиноят айнан бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасида, айнан ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларинигина бузиш орқали содир этилади;

учинчидан, Жиноят кодекси 285-моддаси бир вақтнинг ўзида ҳам унча оғир бўлмаган (биринчи қисм), оғир (иккинчи қисм) ва ўта оғир (учинчи ва тўртинчи қисмлар) жиноятларни қамраб олади.

тўртинчидан, 285-модда диспозицияси бланкет хусусиятга эга бўлиб, қилмишни тўғри квалификация қилишда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг умумҳарбий низомларига мурожаат қилиш лозим бўлади.

Мазкур жиноятни квалификация қилишда ушбу ҳолатларнинг эътиборга олиниши қилмишни тўғри квалификация қилиш ҳамда ушбу жиноятни содир қилган шахсларга адолатли жазо тайинлашга хизмат қилади.

Умуман олганда, ҳар қандай ҳарбий жиноят мазмунини фақат уни содир этганлик учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган жиноят қонуни нормаларини таҳлил қилиш билан аниқлаш мумкин. Масалан, айбдор томонидан содир этилган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш ҳамда шу сабабли юз берган оқибатларнинг мазмун-моҳиятини аниқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ички хизмат низомига мурожаат қилиш лозим бўлади. Шунингдек, ҳарбий хизматчи хизматни ўташ тартибига қарши бошқа жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган ҳар қандай ҳолатда ҳарбий хизматнинг айнан қайси қоидалари бузилгани аниқланиши ва тегишли манба кўрсатилиши шарт.

Нодирбек САЛАЕВ, Тошкент давлат юридик институти катта ўқитувчиси

Бугун мен учун қувончли кун. Ҳарбийда йигитлик бурчини ўтаётган укамдан мактуб келди. У — оиламиз кенжаси. Биз — акаопалар биринчи уринишдаёқ олий ўқув юртларига ўқишга кирганимизга қарамай, унинг бу борада омади чопмади. Бунга ўзининг бироз шўхлиги, ўйинқароқлиги сабаб бўлган бўлса, ажаб эмас. Аммо у спорт билан мунтазам шуғулланар, биз — опаларининг тоғдай суянган, ҳимоячиси эди.

Укамдан мактуб келди

Ота-онам уни ҳарбий хизматга кузатар экан, ўша ерда тобланиши, масъулият нималигини англаши баробарида феълидаги айрим нуқсонларидан қутулиб қайтишидан умид қилишганди.

Мана, ўшандан буён 10 ой ўтди. Шу вақт ичида опам турмушга чиқди, мен магистратурага ўқишга кирдим. Оиламизнинг бундай қувончли кунларида иштирок этолмаган бўлса-да, укам Ватанимиз сарҳадларини қўриқлаб турганлиги боис осуда ҳаёт кечираётганимизни ҳис этишнинг ўзи бизни суюнтиради, хотиржам этади.

Опамнинг тўйида рўй берган воқеа кўпчиликни ҳаяжонга солди. Базм авжига чиққан бир пайт бошловчи: "Диққат, ҳозир ҳарбий қисмлардан бирига уланамиз", деб қолди. Ҳамма ҳайрон. Шунда таниш овозни эшитиб юракларимиз ҳаприқиб кетди. Укамнинг қишлоқдаги дўстлари уяли телефонни баландлатиб, микрофонга тутишди: "Тўйда қатнаша олмаётган бўлсам-да, сиз — азизларимга чин юракдан бахт тилайман, — деди у. Тўйга келганлари учун барча меҳмонларга раҳмат айтмоқчиман". Ҳамма беихтиёр қарсак чалиб юборди. Гўзал келинчакнинг кўзларида ёш қалқди.

Укажон, мактубингда "Оддий ўқчи аскар ўғлингиз ҳаёт синовларидан матонат билан ўтяпти, аяжон. Бу ерга келиб, олдин сизлардан насиҳатдек эшитган гапларнинг мағзини тушуняпман. Бекор ўтказган вақтларимга ачиняпман", дебсан. Яхши дўстлар топганингдан хурсандлигингни айтибсан. Ўқиётган китобларингнинг номини ёзиб юборибсан. Ўспирин пайтингда қўлингга китоб олмасдинг. Ҳарбий хизмат дунёқарашингни кенгайтираётгани, феъл-атворингни ўзгартираётгани сезиляпти. Ҳатто вақт қадри хусусида ҳам бош қотирадиган бўлибсан!

Укажон, сени жуда соғиндик. Сен тишлаб кетган нонни онам дилбандимнинг насибаси, дея асраб қўйибди. Ҳар бир хатингни ўқиб қувонамиз. Сен Ватанимизни қўриқлаётганингдан фахрлансанг, мен шундай укам борлигидан ғурурланаман. Ҳарбийдан қайтгач, қайси касбни эгалламагин, ҳаётда ўз ўрнингни топишингга ишонаман.

Шоҳсанам НИЁЗОВА

МУКОФОТ МУБОРАК, ҲАМКАСБ!

Қаламини ҳаёт қайраган

Комила Юсупованинг "Олимпиада ғолиблари" сарлавҳали оддийгина хабари Ангор туманидаги "Илғор" газетасида чоп этилганида у ҳали ўн олти ёшда эди. У даврларда газетага хат-хабар ёзиб юрадиган жамоатчи мухбирлар камёблигини ҳисобга олсак, бу анча эсда қоладиган воқеа бўлган. Ваҳоланки, буни ҳозирги ёш қаламкашларнинг изма-из китоблар чиқариши билан таққосласак, Комиланинг матбуотда эълон қилинган хабари шунчаки оддий ҳолдир.

— Газетада босилган ана шу кичкина хабарим қувончидан еру кўкка сиғмаганман, — дея эслайди ўша даврларни Комила. — Демоқчиманки, қувончим шу қадар поёнсиз эди. Шундан кейин газетага хат-хабар ёзиш, китоб ўқиш асосий машғулотларимдан бирига айланди. Шу тариқа менда журналистикага катта муҳаббат пайдо бўлди. Ўша даврларда бу соҳа романтикага йўғрилган касблардан бири эди. Ихтиёр ўзимда бўлмаган ҳолатда ўз йўлимни танлаган эдим. Эртакларда айтилгани каби, "йўл юрдим, йўл юрсам ҳам мўл юрдим..." Ва, ниҳоят, кўриб, эшитиб турганингиздек, Муҳтарам Президентимизнинг Фармони билан Истиқлолимизнинг йигирма бир йиллиги арафасида "Дўстлик" ордени билан мукофотландим. Камтарона меҳнатим шундай юксак баҳоланди...

Агар эътибор берсак, Комиланинг босиб ўтган йўли тенгдошларникидан бироз фарқ қилади. У дастлаб Ангордаги олти ойлик механизаторлар тайёрлаш курсини тамомлади. Ўша йили механизатор опаси Жамила тўрт қаторли, ўзи эса икки қаторли терим машинасида Шеробод даштларида пахта теришди.

Комилага болаликдан текан "касал" шуки, у техника деса ўзини томдан ташларди. Ҳали мактабда ўқиб юраркан, тракторда бинойидек ер ҳайдар, мола босар, культивация қиларди. Айтганча, отаси Бўри бобо Таллашқон даштларида пахта экарди. Оиладаги олти қиз, беш ўғилнинг бариси далада, меҳнатда вояга етишди.

Бир куни Комила пайкал бошида тўрт-беш трактор турганини кўрди. Қоқ туш пайти бўлгани боис, тракторчилар тушликка чиқиб кетишган эди. Комила тракторлардан бирини ўт олдирди. Сўнгра... сувдан тўйинган ерга бориб қолди, трактор лойга бота бошлади. Кабина ойнасидан ортга қараган эди, бир неча одамнинг югуриб келаётганини кўрди. Қўркди ва туша солиб қочди. Панага бекиниб, уларни кузатди. Юраги "гуп-гуп" урарди, ўлардек қўрққан эди. Энди отасига бориб айтишса, "ҳақи"ни олади. Улар бир амаллаб лойдан тракторни чиқариб олишди. Кейин Бўри бобога воқеани айтиб, арз қилишди.

— Шу қизингиз аслида ўғил бола бўлиб туғилиши керак эди, — дейишарди баъзилар, — ғайрати, шиддати ўғил болаларникидан зиёд.

Бу гапларда муболаға, бўрттирма йўқ эди. Комила ўқувчилигидаёқ дарсдан бўш қолди, дегунча далага ошиқар, эртадан кечгача ишлар, кечалари фурсат топиб, китоб ўқирди. У китоб қаҳрамонлари билан бирга яшарди, худди улардек ўктам, жасоратли бўлишни истарди. Бу истак унда жудаям баланд эди. Иккинчи жаҳон уруши жанггоҳларини кечган, умри меҳнат билан ўтган Бўри бобо Юсупов фарзандларини меҳнат университетида ана шундай ўқитди, тоблади.

Комиланинг раҳматли онаси тандирчи-кулол бўлган. Момо ясаган тандирларнинг довруғи бошқа туманларга қадар етиб борган эди. Бу касбни ҳозир момонинг фарзандлари Бобур, Ойбеклар давом эттиришмоқда. Очарчилик, қаҳатчилик йилларини кўриб, ҳаётнинг кўпдан-кўп иссиқ-совуғини, оғир-енгилини бошидан ўтказган Бўри бобо бугун фарзандлари, набираларига дуогўй бўлиб ўтирибди. Ёши тўқсондан ошсада, ҳали бардам. Бугунги тетиклиги, саломатлигини Яратганнинг марҳамати деб биласди ва меҳнат инсон умрига барака беришини таъкидлашдан толмайди.

...Комила вояга етгач Тошкентга ўқишга бораман, деб оёқ тираб туриб олди. Ота-она эса "Қиз боланинг узоқ шаҳарда ўқиши маъқул эмас, мана, тракторчи бўлдинг, ишлаб юравер", дейишди. Бироқ қиз қайсарлик қилиб туриб олди:

— Агар ўқишга юбормасангиз, "Саодат" журналига сизларни "феодал" деб ёзаман...

Кейин ота-она рози бўлишди. Қайсар, бир гапли қизнинг пўписасидан кулишди.

1980 йилда у ТошДУ(ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетига ўқишга кирди. Факультет талабалари ўша йиллари Сирдарё вилояти "Оқ олтин" туманида пахта теришарди. Комила пахтани машинада теришни маъқул кўрди. Хўжалик раҳбарига мақсадини айтган эди, у гаражда бузилиб ётган терим машинасини кўрсатди. Техникага анча "кўзи пишган" Комила уни созлади. Бир куни туш чоғида у машинани курсдошлари турган томонга бурди. Масофа яқин қолгач, машинани тўхтатдида, пастга тушди. Комбинезон кийган механизатор қизни дастлаб талабалар бирданига танишмади. Разм солиб қарасаларки, ўзлари билан ўқийдиган Комила экан. Ҳамкурслари ҳайрон қолишди, ҳавас қилишди, кўплар мафтун бўлди. Барчанинг нигоҳи қадалгач, у хижолат тортди, ўзини қўярга жой тополмай қолди. Шундай қилиб, "механизатор-журналист" Комила Юсупованинг довруғи Сирдарёда пахта тераётган факультетдан ошиб, Тошкентга қадар, ундан ошиб, Сурхондарёга етиб келди. Факультет декани, кафедра мудири, борингки, барча устозларнинг ифтихор қилганларини кўрсангиз эди!

Талабалик йилларида Комила тинмай ёзарди, амалиётни эса "Сурхон тонги"да ўтказарди. Ҳали-ҳамон эслаймиз: талаба-практикант Комила Юсупова ўша даврларда шамолдек еларди. У гўё буткул ғайрат-шиддатдан иборат эди. Бир марта у Ангордаги хўжаликлардан бирида тракторларнинг очиқ ҳавода, қорли-ёмғирли майдонда занглаб ётганлиги ҳақида танқидий мақола ёзди. Бу тракторлар тоғаси бошлиқ бўлиб ишлайдиган бўлимга қарашли эди. Қизиқ устида тоғасини ҳам аямай танқид қилиб қўйиб, қариндош-уруғларидан анча маломатга қолди. Тоғаси ҳам танқидий мақола учун раҳбариятдан тегишли "ҳақи"ни олди. Кўнгли дарё, валломат тоғаси ҳалиҳамон бағри кенглик билан Комилага ҳазил қилади: "Жиян, сен аслида мени танқид қилиб журналист бўлдинг, элга танилдинг!"

...Комила Юсупова дастлаб туман газетаси "Меҳнат зафари"да адабий ходим, мактабда ўқитувчи бўлиб ишлади. 1997 йилдан буён эса Сурхондарё вилоят телерадиокомпаниясида ишлаб келаётир.

— Комила опа иқтидорли ва тажрибали журналист, — дейди вилоят телерадиокомпанияси директори вазифасини вақтинча бажариб келаётган Иброҳим Мардаев. — У тайёрлаган "Аёл борки, олам мунаввар", "Аёл — оила гултожи", "Аёллар саломатлиги", "Олам ва одам", "Табиат ва биз", "Мустаҳкам оила — юрт таянчи", "Миллат ва маънавият" номли туркум эшиттиришлари кўп сонли мухлислар эътиборига тушди.

Ўзбекнинг бир умиди мўл, матонатли аёли ўлароқ, Комила Юсупова турмуш ўртоғи билан тўрт нафар фарзандни сабр-тоқат билан тарбиялади ва катта ҳаёт йўлига олиб чиқди. Тўнғич ўғли Мансур лейтенант, вилоят ички ишлар бошқармасида ишлаяпти. Иккинчи ўғли Масъуд катта лейтенант, чегара қўшинларида хизмат қилмоқда. Катта қизи Гулрухсор ўқитувчи, кичиги Гулҳаё эса она касбини танлади. Вилоят телерадиокомпаниясида муҳаррир бўлиб ишламоқда.

— Комила, сизни ҳам билиб-билмай хафа қилишадими? — дея сўрадим бир сафар.

— Баъзан хафа қилишади, — дейди у. — Лекин ёмон гап айтмайман. "Ўлма-йитма, бошинг яхшиликдан чиқмасин, Яратган сенга ҳам инсоф берсин!" деб дуо қиламан. Лекин ҳеч кимга ёмонлик тилай олмайман, тилимга ёмон гап келмайди. Ёмонликка ёмонлик билан жавоб бермайман...

Ҳа, Комила некбин, дарёдил ва айни пайтда кечиримли аёл. Тили ҳам, дили ҳам яхши гапдан, эзгу мақсад, ниятдан бўшамайди. Шунинг учун ҳам бугун — юртимиз байрамлар шукуҳига чулғанган шу кунларда унинг кўксида нур сочиб турган "Дўстлик" ордени унинг касбдошлари, дўст-дугоналари оила аъзоларини руҳлантириб юборди. У сабр-тоқат, яхши ниятлар билан шу бахтга эришди, мустақиллик туфайли меҳнати қадр топди. Ёруғ кунларга мушарраф бўлди.

А. МАҲМУДОВ
Сурхондарё вилояти

ВИРТУАЛ ОЛАМ

Интернет-кафелардан бири ёшлар билан гавжум. Чамаси 16-17 ёшли қизнинг компьютер мониторида «ZiyoNet» тармоғи саҳифаси очилган. Бўш вақтида бадиий китоб ўқишни хуш кўрса керак, ўзбек адиблари асарлари билан танишмоқда. Яна бир фойдаланувчи 20 ёшлар атрофидаги йигит эса чет эл таълим грандлари тўғрисидаги маълумотлар билан танишяпти. Уни суҳбатга тортганимда, бунинг сабабини олий таълимнинг бакалавр босқичини тугатаётганини, магистратурада хорижда ўқиш ниятида экани билан изоҳлади.

Ҳимояга муҳтож тизим

Иккала илм олишга чанқоқ тенгдошимнинг сўзларидан сўнг интернет ундан фойдаланувчиларнинг, айниқса, талабаларнинг яқин кўмакдошига айланибди-да, деган ўй ўтди хаёлимдан. Аммо қаршимда ўтирган мактаб ўқувчилари тармоқдан бошқа мақсадларда фойдаланишар, хусусан, бемаъни ўйинларни ўйнаб, виртуал оламда бир-бирларини "ўлдириб", бундан севишларини кўриб, кўнглимдаги қувонч туман янглиғ тарқалди.

Аслида, интернет ахборот олиш, алмашиш ва узатишнинг энг қулай воситасидир. У кўплаб беқиёс имкониятларга эга экани боис бошқа турдаги ахборот алмашув воситаларини ортда қолдирди. Шунинг учун кўпчилик ундан фойдаланмоқда.

Мутахассисларнинг таъкидлашларича, интернетдан фойдаланувчиларни икки тоифага ажратиш мумкин: биринчиси, касб тақозоси юзасидан зарур маълумот олиш мақсадида интернетга мурожаат қиладиганлар. Иккинчи тоифа эса шунчаки қизиқишига кўра танишув сайтларига кириб, он-лайн ўйинларига чалғиб, вақтини беҳуда ўтказувчилар.

Интернет тармоғида чет тилларни ўргатувчи ўйинлар талайгина. Бундан ташқари, биология, астрономия, физика ва кимёга қизиқувчи болалар учун ривожлантирувчи ўйинлар ҳам мавжуд. Улар хотирани машқ қилдириш, тасаввурни кенгайтириш ва фикрлашни ривожлантиришга мўлжалланган. Бундай ўйинлар болани ўйлашга, таҳлил қилишга ундайди, хотира ва фикрлаш қобилиятини ривожлантиради.

Компьютер қаршисида соатлаб ўтирувчи болаларнинг руҳияти, физиологик ҳолатида анча-мунча салбий ўзгаришлар кузатилади. Бу хусусда шифокорлар шундай дейишади: компьютерга «михланган» боланинг умуртқа поғонасида, кўзларида турли касалликлар келиб чиқишидан ташқари иммун тизими ҳам сусаяди. Энг ёмони, виртуал олам болаларда фикрий ривожланишни, мушоҳада, таҳлил қилиш қобилиятини, изланувчанлик ва хотирани сусайтиради.

Статистик маълумотларда кўрсатилишича, мактабгача ёшдаги болаларнинг 25 фоизи интернетдан ота-оналарининг назоратисиз фойдаланадилар. 14 ёшдан кичик болаларнинг 30 фоиздан кўпроғи тармоқда ахлоқсиз, беҳаё контент (муҳит)-га дуч келадилар, 15 фоизи эса зўравонлик, ичкиликбозлик, гиёҳвандликни тарғиб қилувчи ахборотларга дуч келадилар.

Хўш, бундан ҳимояланишнинг аниқ ечимлари борми?

Сўнгги йилларда компьютер хавфсизлиги соҳасида ишловчи кўпчилик компаниялар тармоқда боланинг хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган "save home and family" ("Уй ва оилани асраш") дастурини ишлаб чиқармоқдалар. Бу борада "Касперский лабораторияси" ҳам ўз ечимини таклиф этади: Kaspersky Internet Security, Crystal тизими таркибига "Ота-оналар назорати" номли модул киритилган. У болаларни зарарли сайтлардан ҳимоялаш, боланинг тармоқда ўтказадиган вақтини чеклаш имконини беради. "Ота-оналар назорати" модули болаларнинг кераксиз виртуал муҳитга киришга уринишларининг олдини олади. Албатта, кириш мумкин бўлмаган саҳифалар болаларнинг ота-оналари томонидан танланади.

Ҳамонки, замон шиддат билан ўзгаришда экан унда маънавий талофатсиз яшаш учун имкон қидириш, XXI асрнинг мудҳиш қуроли — ахборотдан оқилона фойдаланишга кўникма ҳам зарур бўлади.

Гўзал ТУРСУНПЎЛАТОВА

СИРАСИНИ АЙТГАНДА

Рақамларни "гапиртириш"

Ҳар куни газета-журналларда рақамлар ишлатилган мақолаларни кўп ўқиймиз. Чунки ҳар қандай фикр ёки мулоҳаза рақамлар, кўрсаткичлар ва қиёслар ёрдамида исботланади. Айниқса, ишлаб чиқариш, иқтисодиёт мавзусидаги мақолаларда улардан кўпроқ фойдаланилади.

"ОЛТИН" КУЗ
ёхуд хазонни қайта ишлаш самараси

Шунинг учун ҳам журналистик материалларда рақамларни қандай ишлатиш ва қай тартибда ёзиш меъёрлари белгилаб қўйилган. Мисол учун, Альфред Лоренз ва Жон Вивиан қаламига мансуб "Янгиликларни ёритиш ва ёзиш" номли китобда бирдан тўққизгача бўлган сонларни сўзларда, ундан катталарини эса рақамлар воситасида ёзиш кераклиги қоида сифатида келтирилган.

Кўп ҳонали сонлар рақамлар ёрдамида ифодаланса, билдирилаётган фикр газетхон кўз ўнгида дарҳол гавдаланади, матннинг чўзилиб кетишига йўл қўйилмайди. Масалан, "Мазкур йилда туман бўйича **16400 гектар** майдонда ғўза парваришланди. Пахтакорлар давлатга **33730 тонна** пахта сотиш бўйича шартнома тузишганди" (Д.Абибуллаев. "Матонатли меҳнат маҳсули", "Қишлоқ ҳаёти", 2012 йил 25 сентябрь) хабарини олайлик. Ундаги иккита беш ҳонали сон рақамлар билан ёзилган.

Шу ўринда катта сонларни ифодалашда бошқачароқ йўл тутишга тўғри келишини ҳам таъкидлаш жоиз. Масалан, 26000000 сонини ёзиш зарур бўлиб қолди. Уни фақат сўз ёки рақам билан ифодалаш тўғри эмас. Чунки сўз билан ёзилса, чўзилиб кетади, рақам билан ёзилса, бир қарашда ўқиш ва уқиш қийинлашади. Бундай сонларни келтиришда ҳам сўз, ҳам рақамдан фойдаланиш тавсия қилинади (**26 миллион** каби). Қуйидаги хабар фикримизга яққол мисол бўла олади: "Хуэй Ляньюй самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига чуқур миннатдорлик билдириб, ХХР ҳукумати Ўзбекистон билан кўп қирралли ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдор эканини қайд этди. Ушбу ташриф асносида қабул қилинган жами қиймати **535 миллион** АҚШ долларига тенг ҳужжатлар иқтисодий ҳамкорлик кўламини янада кенгайтиришини алоҳида таъкидлади" (ЎзА хабари. "Оқсаройда қабул", "XXI аср", 2012 йил 13 сентябрь).

Мақолаларда айрим кўрсаткичларнинг фоизда ифодаланиши ҳам кўп учрайди. Бунда одатда рақам, "фоиз" сўзи ёки унинг белгиси (%) дан фойдаланилади. Матн орасида фоиз белгисини ишлатгандан кўра рақам ва фоиз сўзи бирикмаларини қўллаш мақсадга мувофиқ. "Бир дона хазон ғўласига тахминан 120 килограмм хазон сарфланади. Маҳсулот ёнувчанлигини ошириш учун **70 фоиз** хазонга **30 фоиз** мум аралаштирилади" (Я.Худойберганов. "Олтин куз", "Ҳуррият", 2012 йил, 21 ноябрь) каби.

Техникага доир ё илм-фан соҳасининг ўта аниқ кўрсаткичлари ҳақида сўз юритилганда рақамларни қўллашда ўзига хосликка риоя қилишга тўғри келади. "Японияниинг Кинки университети олимлари тишлар учун сунъий эмал яратилганлигини эълон қилди. Микроскопик ушбу эмал плёнкасифат бўлиб, унинг қалинлиги **0,0004 миллиметр**ни ташкил этади" ("Тошкент оқшоми", 2012 йил 24 сентябрь). Бу ўринда сон қандай эканидан қатъи назар уни айнан келтириш зарур.

Сонлар асосан иккига бўлинади: Саноқ ва тартиб сон. Юқорида саноқ сонларга оид мисоллар келтирилди. Аммо мақолада тартиб сонларни ишлатишга доир муайян қоидалар ҳам мавжуд. Чунончи, маълумотларни тартиб асосида бериш ўқувчининг матнни осон ўзлаштиришига кўмаклашади. Эълондан мисол келтирамиз:

"26 сентябрь соат 9^{00}дан 27 сентябрь соат 9^{00}гача

1. Сув бўлмайди.
2. Сув босими пасаяди."

Бу ўринда тартиб рақами устун шаклида келтирилган. Айни шу маълумотни кетма-кетликда ҳам ёзиш мумкин. Қайси шаклни танлаш нашр, мақола ё эълоннинг ўзига хослигидан келиб чиқиб белгиланади.

Шуни таъкидлаш жоизки, кирилл ёзувида йил ва санадан сўнг чизиқча ишлатилмайди. (**2013 йил 10 июль** тарзида), лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида эса чизиқча қўйилади (**2015-yil 20-iyul** кўринишида). Бу қоида "Репортёрлик маҳорати" (Ҳ.Саидов, Н.Тўхлиева) китобида ҳам таъкидлаб ўтилган.

Оммавий ахборот воситаларининг барча турларида журналист фаолияти матн ёзиш билан боғлиқ. Аксарият материалларда рақамларни келтиришга тўғри келади. Рақамларни тўғри ёзиш эса ҳар бир қалам соҳибидан ҳушёрлик ва билимни талаб қилади.

Зиёда ОРТИҚОВА,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси

Фарғона вилояти Риштон туманидаги 33-мактабда анчадан буён «Тафаккур куртаклари» номли ижодий тўгарак фаолият кўрсатиб келмоқда. Унинг аъзолари ёзишга иштиёқи баланд ёш истеъдодлардир. Қуйида эътиборингизга уларнинг ижод намуналарини ҳавола этмоқдамиз.

ҲАЛОЛЛИК

Айрим синфдошларимнинг қилиқларидан ҳайрон бўламан. Улар уялмай-нетмай аълочи тенгдошларининг дафтарларидан уй вазифаларини кўчириб олишади. Ахир, улар ҳам бошқалар қатори бош қотиришса мураккаб топшириқларни ўзлари ҳам бажара олишадику. Бироқ ялқов ва лоқайдларга енгил йўл — кўчирмакашлик маъқул шекилли.

Ҳа, инсон ҳалоллик ҳақида ўйлашни ўрганмас экан, келажакда донолик, зукколик унга ҳамроҳ бўла олмайди.

ПУШАЙМОН

Ўртоғимнинг бобоси оғир касал эди. У эса мактабдан келгач, кечгача футбол ўйнарди. Бир куни ҳар доимгидек тўп тепаётган жойида унга совуқ хабар келтиришди: бобоси оламдан ўтибди! Афсус, ўртоғим кунини футбол ўйнаш билан ўтказиб, бобосининг дуосини олишдан бенасиб қолди...

Узоқ ўйлаб, унинг бепарволиги бунга сабаб бўлганини англаб етдим. Агар у эртадан кечгача кўча чангитиш ўрнига китоб ўқиганида, бобоси ғанимат эканини ҳис қилганида дуо олиш пайида бўлармиди. Ахир, айтишадику «Олтин олма, дуо ол» деб.

Шаҳзодбек АЛИШЕРОВ,
тўгарак аъзоси

ДЎСТ БУРЧИ

Фахриддин ота билан Абдумўмин отани маҳалламизда ҳамма яхши танийди. Улар ёшликдан иноқ дўст. Аммо икки дўстнинг тақдири икки хил. Абдумўмин ота фарзандлари қучоғида қарилик гаштини сураётган бўлса, Фахриддин ота эса ёлғиз кун кечиряпти. Чунки якка-ю ягона ўғли уни ташлаб кетган.

Ота ёлғизликдан изтироб чекканида, жонига дўсти ва унинг фарзандлари оро киради. Уларнинг бу ҳимматидан Фахриддин ота хижолат чеккан кезларда Абдумўмин ота жилмайиб: «Дўстингман, менинг болам — сенинг боланг», деб далда беради.

Уларнинг дўстлигига ҳавасим келади.

Мавлонбек ТУРДАЛИЕВ,
тўгарак аъзоси

ЧИРОЙ ҚАЛБДА

Синфимизда Дилбар исмли қиз бор. У унча чиройли бўлмасада, кўнгли юмшоқ, қалби тоза қиз. Бошқалар унга кўпол муомала қилса ҳам ҳадеганда аччиғи чиқавермайди. Самимий, одобли. Китоб ўқишни яхши кўради.

Бошқа бир синфдошим Мунира эса ҳам чиройли, ҳам бадавлат оиланинг фарзанди. Аммо у кибрли, таъмагир. Шундан бўлса керак, устозларимиз гоҳида унга норози қиёфада қараб қўйишади.

Иккала синфдошимга қараб, мен кишининг, энг аввало, қалби чиройли бўлишига яна бир бор амин бўламан.

Роҳилабону ТУРДАЛИЕВА,
тўгарак аъзоси

ТАДБИР

Журналистикада ихтисослашув

Ахборот асрида маълум бир соҳага ихтисослашаётган журналистларга талаб ортаётганлиги, иқтисодиёт, сиёсат, ҳуқуқ ва шу каби бошқа жабҳаларда чуқур билим, мукаммал фикр ва профессионал назарга эга кадрлар тайёрлашда олий журналистика курсларининг аҳамияти алоҳида.

Ўзбекистон Миллий университетида ана шу мавзу доирасида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Семинар соҳа фаолиятида илк бор уюштирилди. Тадбир Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, мустақил ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази, Республика Маънавият тарғиботи маркази ҳамда «Китоб дунёси» газетаси ҳамкорлигида ташкил этилиб, «Олий журналистика курсларида ихтисослашув масалалари» мавзуига бағишланди. Тадбирда университетнинг профессор-ўқитувчилари, ОАВ вакиллари, олий журналистика курслари тингловчилари иштирок этишди. Семинарда журналистика факультети ва «Ўзбекистон нашриёт-матбаа ижодий уйи» ўртасида ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланди. Шунингдек, факультетнинг интернетдаги янги веб саҳифаси тақдим этилди.

Акмал ЖУМАМУРОДОВ,
"Hurriyat" мухбири

ДАРАКЛАР

ҒАРОЙИБ ГУЛ

Швейцариянинг Базель шаҳридаги ўсимликлар парваришланадиган боғда дунёдаги энг катта гул — Титан Арумнинг бўйи 2,27 метргача етди ва гуллади. Унинг гулбарги тўқ-қизил, сўтаси эса сариқ рангда. Гулидан сасиган гўштнинг ҳиди келса-да, уни томоша қилиш учун одамлар узоқ жойлардан келишмоқда, деб хабар беради "Geneva Lunch" нашри.

Титан Арум ўзидан нохуш ҳид чиқаргани боис, у "ўлик гул" номини олган. Мазкур ўсимлик ўзининг ўткир ҳиди ва ёрқин ранги билан чангалатувчи ҳашаротларни тезда жалб этади. Уни табиий ҳолда фақат Индонезиянинг Суматра ороли чангалзорларида учратиш мумкин.

Титан Арум 20-40 йилда бир марта гуллайди, холос. Бу жараён икки кун давом этади.

ЖУРНАЛИСТЛАР УЧУН ХАВФЛИ ҲУДУДЛАР

Халқаро матбуот институти ҳисоботларида қайд этилишича, жорий йилнинг шу кунига қадар дунё бўйича ўз хизмат вазифасини ўтаётган 119 нафар журналист ҳаётдан кўз юмган. Ўтган йили бу кўрсаткич 82, 2010 йилда эса 102 нафарни ташкил этган эди.

Аниқланишича, ҳозирги кунда Сурия журналистлар учун энг хавфли ҳудуд сифатида кўрсатилмоқда. Жорий йилнинг шу кунига қадар мамлакатда ҳукумат ва исёнчилар ўртасида кечаётган уруш туфайли 40 га яқин ОАВ ходимлари ҳаёт билан видолашган. Журналистлар ҳаётига хавф солаётган ҳудудлардан яна бири Сомали ҳисобланади. Бу ерда йил бошидан шу пайтгача 16 нафар журналистнинг ҳаётига суиқасд қилинган.

Шунингдек, хавфлилик даражаси бўйича Яқин Шарқ ва Африка ҳудудлари, Мексика, Покистон ва Филиппин журналистлар учун энг хавфли жой, деб топилди.

ҚУЛОҚЛАРИ ОМАД КЕЛТИРДИ

Гиннес рекордлар китобининг беш карра рекордчиси 32 ёшли грузиялик спортчи Лаша Патарая ўзининг навбатдаги ноодатий рекордини ўрнатди. У чап қулоғига боғланган арқон ёрдамида 8,28 тонна оғирликдаги юк машинасини 21,5 метргача судраб борди.

Юнон-рум кураши бўйича мамлакат чемпиони ҳисобланган Патарая 2003 йили икки қулоғи билан 2,35 тонналик микроавтобусни 48,6 метр масофага "элтиб қўйиб" ўзининг дастлабки рекордини қайд этганди. 2006 йили бир қулоғи билан оғирлиги 4,5 тонналик микроавтобусни 41,1 метрга, 2007 йилда эса 7,734 тонналик вертолётни 26,3 метрли масофага олиб бориб, муваффақият қозонган. У, шунингдек, 2010 йили қулоқлари билан 88 килограмм юкни 12,3 секунд давомида кўтариб, янги рекордга эришган.

ЛИНЗА КЎРИШ ҚОБИЛИЯТИНИ ТИКЛАЙДИ

АҚШдаги Шеффильд университети олимлари кўриш қобилиятини тиклашнинг янги усулини излаб топишди. Университет сайтида ёзилишича, буни линза орқали осон ва самарали амалга ошириш мумкин.

Кўриш асосан кўзнинг энг устки — мугуз пардасининг лат ейиши оқибатида ёмонлашади. Бунга аввалги жарроҳлик амалиётидан қолган асоратлар, турли инфекцияларнинг тушиши, наслдан ўтадиган нуқсонлар ёки кўзнинг сурункали қуриб, яллиғланиши ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Ўтказилган тажрибаларда аниқланишича, соғлом ҳужайра таначалари билан қопланган линза кўзнинг кўриш қобилиятини аста-секин яхшилайди. Олимларнинг таъкидлашларига қараганда, эндиликда шу йўл билан миллионлаб одамларнинг кўзларини равшанлаштириш мумкин бўлади.

ИТЛАР МАШИНА БОШҚАРМОҚДА

Чет эл ОАВ тарқатган маълумотларга қараганда, Австралиядаги учтаит машинани мустақил бошқариш кўникмасини ўзлаштирган. Монти, Портер ва Жинни лақабли итларга беш ҳафта давомида махсус макетлар, ўриндиқ ва руль чамбараги, узатмалар қутисининг дастаси ва педаллардан иборат аравача ёрдамида автомобиль ҳайдаш ўргатилган.

Машғулотлар Жониворларга нисбатан шафқатсиз муносабатнинг олдини олиш жамияти ташаббуси билан ўтказилди. Муассаса раҳбари Кристин Калин бу борадаги изланишларини тўхтатиб қўймоқчи эмас. У итларга қулайлик яратиш мақсадида машинанинг бир қанча дастгоҳларини кнопка кўринишига ўтказиш ҳамда автомобилни бошқаришда асқотадиган янги қурилмалар тайёрлаш устида бош қотирмоқда.

Интернет хабарлари асосида Отабек ОТАЁРОВ тайёрлади.

Шарҳ

БЕҚАРОР ДУНЁ МАНЗАРАЛАРИ

Ҳозирги глобаллашув даврида жаҳон сиёсати тўхтовсиз ўзгармоқда. Дунё манзарасига назар ташлар эканмиз, унда турли хилдаги катта ва кичик сиёсий инқирозлар, иқтисодий бўҳронлар ва ҳарбий қуролли можаролар кўпайиб бораётганига гувоҳ бўламиз.





Дунё жамоатчилиги олдида турган энг долзарб муаммолардан бири — глобал молиявий ва иқтисодий инқирознинг жаҳон мамлакатлари тараққиётига салбий таъсирини камайтириш ва босқичма-босқич тарзда ушбу бўҳронни бартараф этишдан иборатдир. Халқаро экспертлар таъкидлаётганидек, дунёнинг энг тараққий этган мамлакатларида енгил бойлик орттиришни ўзига мақсад қилиб олган молиявий ва иқтисодий тизимнинг давлат назоратидан бутунлай чиқиб кетиши оқибатида бутунжаҳон молиявий иқтисодий инқирози вужудга келди. Шу туфайли ҳам, дунё мамлакатлари етакчилари, тегишли халқаро ташкилотлар вакиллари ва мутахассислар ҳозирги кундаги жаҳон молиявий тизимини тубдан ислоҳ қилиш лозимлиги, унда халқаро молиявий институтларни ва савдо ташкилотларининг тутган ўрни ва вазифаларини қайтадан кўриб чиқиш зарурати вужудга келганлигини таъкидлашмоқдалар. Бугун дунё бўйлаб 75 миллион йигит-қиз ишсиз. Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) маълумотига кўра, глобал инқироз, хусусан Европада молиявий танглик давом этар экан, бунинг таъсирида ривожланаётган мамлакатларда ҳам ишсизлар сони кўпаяверади.

Мазкур молиявий бўҳрондан қаттиқ азият чекаётган табақа ҳам айнан ёшлардир.

Европадаги инқироз таъсири нафақат қўҳна қитъада, балки Шарқий Осиё ва Лотин Америкасида ҳам сезиляпти. Яқин Шарқ ва Шимолий Африкада вазият анча оғир — ёшлар орасида ишсизлик даражаси 25 фоиздан юқори. Келаси беш йилда бу рақам ўсишда давом этади, дейди ҳисобот муаллифи, Халқаро меҳнат ташкилоти ходими Эккехард Эрнц.

— Яқин Шарқ минтақасида ёшларнинг 26 фоизи ишсиз, 2017 йилга бориб бу кўрсаткич 28 фоизни ташкил этади. Шимолий Африкада вазият бирмунча яхшироқ, яъни сўнгги беш йил ичида ишсизлар сони бироз камайган. Лекин ўртача минтақавий кўрсаткич ниҳоятда баландлигича қолмоқда — 27 фоиз", — дейди эксперт.

Умуман олганда, сўнгги ярим аср давомида халқаро иқтисодиётнинг тўхтовсиз, кўп ҳолларда экстенсив ривожланиши глобал миқёсидаги турли муаммоларни келтириб чиқарди. Бундай муаммолар қаторида атмосферага зарарли моддалар қолдиғининг жуда катта миқдорда чиқариб юборилиши натижасида озон қатламига аста-секин путур ета бошлагани, ерда эса глобал энергия танқислиги вужудга келаётганини мисол тариқасида келтириш мумкин. Натижада, сайёрамиз иқлимининг ўзгариши, энергия қуввати манбаларининг камайиши ўз навбатида бутунжаҳон озиқ-овқат танқислиги муаммоси билан чамбарчас боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Жумладан, глобал энергетика муаммоси бугун яққол кўзга ташланаётган масалалардан бирига айланди. Сўнгги чорак аср давомида халқаро иқтисодиётнинг жадал суръатда экстенсив ривожланиши энергия танқислиги муаммосининг чуқурлашиб кетишига олиб келди.

Жаҳоннинг энг ривожланган давлатларида сайловолди кампаниясида мамлакат иқтисодиётининг ўсиш тезлигини сақлаб қолишга ваъда қилган кўплаб сиёсий етакчилар энергия танқислиги туфайли ўз ваъдаларини бажара олмаслик ва, натижада, янги мудатга сайланмай қолиш хавфи билан юзма-юз келдилар. Кўп ҳолларда бундай етакчилар ўз давлатларини ҳар қандай йўл билан бўлсада энергия билан таъминлаш чораларини қидиришга тушиб, баъзи ҳолларда шу мақсадда нафақат иқтисодий ва сиёсий, балки қуролли куч ишлатишга ҳам кириша бошладилар. Нефть, газ, кўмир, уран каби табиий заҳираларга бой минтақалар ва мамлакатлар атрофида янгидан-янги сиёсий, қуролли можаролар пайдо бўла бошлади, эскилари эса янгича тус олди. Гидроэнергетика мақсадларида фойдаланиш мумкин бўлган сув ҳавзалари ҳам турли хил можаролар манбаига айланиб бормоқда.

Глобал иқлим ўзгариши натижасида мисли кўрилмаган даражада иссиқ ёз, ёки ўта совуқ қиш муаммоларини ҳал этиш нафақат қишлоқ хўжалигида, балки озиқ-овқат саноатида ва энергетика соҳасида янгидан-янги муаммоларни келтириб чиқара бошлади.

Иқтисодиётни энергия қуввати билан таъминлаш жараёнининг яна бир энг фаол жабҳаларидан бири энергия манбалари, яъни муқобил энергия турларини кўпайтиришга қаратилди. Бу борада янгича йўналиш сифатида дон маҳсулотларидан этанол спиртини олиш ва уни атмосферани булғамайдиган экологик тоза манба сифатида қўллаш бутун жаҳон озиқ-овқат муаммосини чуқурлаштириб юборди. Жумладан, АҚШ, Европа Иттифоқи, Япония, Ҳиндистон, Бразилия ва бошқа шу каби дунё иқтисодиётида муҳим ўрин тутган мамлакатларда буғдой, маккажўхори, шакарқамиш, соя ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини катта миқдорда биоэнергия олиш мақсадида ишлатиш саноати вужудга келди.

Натижада, жаҳон бозорида ун маҳсулотлари, бўрдоқига боқиладиган жониворларга ем маҳсулотлари танқислиги пайдо бўлди. Бунинг оқибатида эса, дунё мамлакатларининг чакана бозорларида нон, гўшт ва ёғ маҳсулотлари нархи кескин ўсиб кетди. Озиқ-овқат муаммоси ҳам халқаро сиёсий тус ола бошлади. БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича ихтисослашган ташкилоти ва Жаҳон банки келтирган маълумотларга кўра, сўнгги 1-2 йилнинг ўзида Ер юзининг 35 дан ошиқ давлатида айнан шу муаммо туфайли оммавий тўқнашувлар, сиёсий бошбошдоқликлар юз берди.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш мумкинки, бугунги олам харитасида давлатлараро можаролар, қуролли тўқнашувлар, очиқдан-очиқ куч ишлатиш, БМТ ва бошқа тегишли халқаро ташкилотларнинг қарорларига беписандлик ҳолатлари кўпайиб бормоқда.

Халқаро қуролли можаролар сони кўпайишда давом этмоқда. Яқин Шарқ муаммоси, Исроил-Фаластин муносабатлари, Эроннинг ядровий дастури, Сомали, Конго, Гаитидаги қуролли можаролар, Ҳиндистон-Покистон ўртасидаги зиддият, Ироқ ва Афғонистондаги кўп йиллик урушлар ҳамон тинч аҳоли ҳаётига зомин бўлиб келмоқда, ушбу мамлакатлар иқтисодиётига, ва жаҳонда тинчликни сақлаш йўлидаги уринишларга катта тўғаноқ бўлиб қолаётир. Салкам икки йил олдин бошланган Сурия можароси туфайли расмий маълумотларга кўра, 40 мингдан зиёд бегуноҳ одамлар ҳалок бўлди. Сиёсий бўҳронлар давомийлиги оқибатида Миср иқтисодиётига етган зарар миқдори миллиард-миллиард доллардан ошиб кетди. Бу ва бошқа кўплаб мисоллар дунё харитасида яна янги беқарорлик ўчоқлари пайдо бўлиши эҳтимолдан холи эмаслигидан дарак беради.

Афсуски, бугунги дунё миқёсидаги тангликлар юқорида санаб ўтилган ўта долзарб ва мураккаб глобал муаммолар билангина чекланиб қолмайди. Дунё сиёсий манзарасида авж олиб бораётган муаммолар ичида динлараро, миллатлараро, маданий-тамаддунлараро низолар ва тўқнашувларни, информацион-кибер терроризм, ноқонуний қурол ва наркотиклар савдоси, одам савдоси каби турли хилдаги таҳдид ва хавфларни санаб ўтиш мумкин.

Ушбу ҳолатларни кўз олдимизга келтирар эканмиз, Ўзбекистондай жаннатмонанд, тинч, барқарор мамлакатда яшаётганимизга қайта-қайта шукроналар айтамиз. Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида келтирилган кўплаб рақам ва маълумотлар кўнгилда ёруғ туйғулар уйғотади. Дарҳақиқат, мамлакатимизда, шу азиз юрт фуқаролари сифатида ҳар биримизнинг шахсий ҳаётимизда, оиламизда, маҳалламизда, меҳнат жамоамизда ёки илмий-ижодий фаолиятимизда юз берган ўзгаришлардан қувонмаслик, ғурурланмасликнинг иложи йўқ. Истиқлол шароитида кечаётган умримизнинг ҳар йили ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари бошида Ўзбекистон танлаган миллий тараққиёт йўлининг нақадар тўғри ва халқчил эканини исботлаш билан бирга, мамлакатимиз, халқимиз бу йўлдан асло оғишмай, ўзининг буюк келажаги сари дадил қадам ташлаётганини яққол кўрсатиб турибди.

Абдували АБДУЛБОҚИЕВ

Реклама

«TOSHKENT KIM OSHDI SAVDOLARI»
масъуляти чекланган жамияти

2013 йил 11 январь куни очиқ аукцион савдоларини ўтказади

Савдоларга Тошкент шаҳри, Олой кўчаси, 1-уйда жойлашган «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ балансидаги 2005 й. и\ч, д\р 01/135LBA, бошланғич нархи 31 725 000 сўм бўлган «Хундай Старекс»; 2003 й. и\ч, д\р 01/136LBA, бошланғич нархи 17 537 000 сўм бўлган «Нексия» ҳамда Тошкент шаҳри, М.Отатурк кўчаси, 21-уйда жойлашган, тугатилаётган "Алп Жамол Банк" балансидаги 2009 й. и\ч, д\р 01/364OAA, бошланғич нархи 10 532 011 сўм бўлган «Нексия S-150 GL»; 2009 й. и\ч, д\р 10/719EAA, бошланғич нархи 10 269 122 сўм бўлган «Нексия СОНС» русумли автотранспорт воситалари қўйилади.

Аукцион савдолари соат 10:00 да бошланади. Буюртма қабул қилиш савдо кунидан бир кун аввал соат 18:00да тўхтатилади. Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нархнинг камида 20 фоизи миқдорида закалат пули «TOSHKENT KIM OSHDI SAVDOLARI» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтаҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 302088054, 20208000104932833002 ҳисоб рақамига тўланади.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закалат миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда етишмаётган суммани шартнома тузулгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Мазкур автотранспорт воситалари юқорида белгиланган савдо кунида сотилмаган тақдирда навбатдаги ҳафталарнинг пайшанба кунлари ўтказиладиган савдоларга такроран қўйилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар белгиланган муддатларда қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

— аукцион савдоларида қатнашиш учун буюртма икки нусхада;

— закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси;

— ҳуқуқий шахслар, давлат рўйхатидан ўтганликлари ҳақидаги гувоҳнома нусхаси, аукцион савдоларида ишончли вакил қатнашганда белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— жисмоний шахсларнинг паспорт нусхаси, аукцион савдоларида ишончли вакил қатнашганда белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Буюртмалар аукцион ўтказиладиган қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Шайхонтаҳур тумани, Навоий кўчаси, 7-уй.

Қўшимча маълумотлар учун телефон (+998 93) 388-6996,
электрон почта tkos-mail@inbox.ru

ҲУРМАТЛИ ВА АЗИЗ ЮРТДОШЛАР, АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!

«UNIVERSAL MULK SAVDO»
МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ
Аукцион комиссияси иштирокида аукцион савдоларига таклиф этади

Аукцион савдолари Бухоро вилояти Қоравулбозор туман маданият саройи биносида бўлиб ўтади.

1. «Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи» унитар корхонаси билан ҳамкорликда 2013 йил 8 январь куни соат 10:00да ташкил қилинадиган аукцион савдоларига корхона ҳисобидаги наслли қизил чўл зотига мансуб 200 бош ғунажин ва 200 бош буқалар (6 ойдан 2 ёшгача бўлган, оғирлиги 150-450 килограмм)ни чиқаради.

Бошланғич баҳоси: 1 кг. тирик вазни 13500 (ўн уч минг беш юз) сўм.

Мулк учун тўловлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиб мулкдор бўлиш истагидаги талабгорлар аукцион ташкилотчиси — «UNIVERSAL MULK SAVDO» МЧЖга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт:

- кўрсатилган мулкни сотиб олиш истагида савдода иштирок этиш учун белгиланган шаклдаги буюртманома;
- закалат пули тўғрисида келишув битимининг бир нусхаси;
- аукцион ташкилотчисининг реквизитлари: СТИР 302398072, МФО 00115, ОАТБ «Қишлоқ-қурилиш» банки Бухоро минтақавий филиалидаги 20208000005000525001 ҳисоб рақамига (ёки кассасига) объект бошланғич баҳосининг 10 % (ўн фоиз) миқдоридаги ғаров пуллари тўланганлиги тўғрисидаги тўлов ҳужжатининг асл нусхаси;
- харидорнинг ҳуқуқий ҳужжати:

жисмоний шахслар учун:

— фуқаролик паспортининг нусхаси;

юридик шахслар учун:

— давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжат ва Уставининг нотариал тасдиқланган нусхаси;

— савдода талабгорнинг вакили иштирок этса, белгиланган тартибдаги ишончноманинг асл нусхаси.

Закалат пулларининг киритилиши аукцион савдолари бошланишидан бир соат олдин, буюртманомаларни қабул қилиш аукцион савдолари ўтказилиши белгиланган санадан 1 кун олдин тўхтатилади.

Буюртманомаларни қабул қилиш ҳамда сизларни қизиқтирган барча саволлар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:

Аукцион ташкилотчиси — «UNIVERSAL MULK SAVDO» масъулияти чекланган жамияти.

Манзил: Бухоро шаҳри, Ҳамза кўчаси, 6-уй. 2-қават 26-хона.
Тел.: (8-365) 223-50-89, (+99890) 745-25-25.

САЛОМАТЛИК

Бир келинг, яна келасиз

Кўпчилик бирон дарддан фориғ бўлиш учун одатда дори воситаларини қабул қилиш билан кифояланади. Бу орқали вақтинчалик чекинган касаллик исталган вақтда яна такрорланиши мумкин. Ундан бутунлай қутулиш учун эса давомли тарзда табиий-биологик, физиологик таъсир чораларини қўллаш мақсадга мувофиқ.

Бу борада юртимизнинг жуда кўплаб баҳаво, сўлим гўшаларида фаолият юритаётган санаторийлар халқимизга энг яқин кўмакчидир. Улардан бири — Тошкент вилоятидаги «Қибрай» клиник санаторийси. Кейинги пайтда бу сўлим даргоҳда дам олиб, тан саломатлигини тиклаш истагини билдираётганлар сони тобора ортиб бормоқда.

Асаб ва юрак қон-томир касалликларини даволашга ихтисослашган мазкур шифо масканида ҳар йили мингдан зиёд ҳамюртларимиз саломатлигини тиклашади. Бир келган одамнинг яна келгиси келаверадиган бу маскан ўзига хослиги билан ҳам ажралиб туради.

Ўз ҳудудларида малакали шифокор кўригини орзу қилган қишлоқ аҳли бу ерда терапия ва кардиология соҳасида етук мутахассислар, тиббиёт фанлари докторлари — Сайфиддин Йўлдошев ва Низомиддин Мирзаев қабулида бўлиш имкониятига эга. Бундан ташқари, ҳар бир мижоз тор мутахассисликлар — стоматология, дерматология, гинекология, хирургия, урология, гепатология, онкология, эндокринология, офталмология бўлимларида текширувлардан ўтиб, ўз соғлиги тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлади.

Сиҳатгоҳда даволанувчиларнинг талаб ва истаклари мунтазам равишда ўрганилиб, уларга сифатли хизмат кўрсатиш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Масалан, ошхонада витаминлар столи ташкил этилган. Унда турли-туман дармондориларга бой бўлган кўкатлардан ташқари олма, нок, узум, хурмо каби мевалар ҳам тайёрлаб қўйилади. Даволанувчилар бу маҳсулотлардан ўзларининг таъблари ва эҳтиёжларига яраша истеъмол қилишади. Яқиндан бошлаб даволанувчилар дастурхонига табиий асал ҳам қўйиладиган бўлди. Овқат тайёрлашда мижозларнинг буюртмалари ҳисобга олинади.

Барча замонавий дам олиш анжомлари билан жиҳозланган хоналарга назар ташларкансиз, саранжом-саришталигини кўриб, кўзингиз қувнайди. Дарвоқе, ҳар бир хонада меҳмон кутиш ҳам кўзда тутилган бўлиб, керакли жиҳозлар етарли даражада муҳайё этилган.



— Аҳолига янада сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида барпо этилаётган янги бинонинг қурилиши жадаллашди, — дейди санаторий раҳбари, республикада хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими, шифокор Абдулла Шоносиров. — Келгуси йилда қурилиш ишларини якунлаб, ишга туширишни мўлжаллаяпмиз. Етмиш ўринли янги бинонинг 35 та хонаси фақат бир кишилик палаталардан иборат бўлади. Буни ҳам даволанувчиларнинг истакларини инобатга олган ҳолда амалга оширяпмиз. 25 гектар еримизга 15 хилдаги 3 минг туп мевали дарахт кўчатлари ўтказишни режалаштирдик. Бу режамиз амалга ошгач, иш кўламига қараб бир нечта кам таъминланган оилаларни боғдорчилик ишларига жалб этамиз. Улар кўчатлар орасидаги бўш ерларга сабзавот экинларини экишади. Қолаверса, тузилажак шартномага асосан мева-сабзавотларнинг тенг ярмини ўзлари олишади. Ана шунда ишчилар ва санаторий ходимларидан ташқари, дам олувчилар ҳам ўзимизда етиштирилган маҳсулотлар билан тўлиқ таъминланадилар. Бу эса мижозларга йўлланма тўловининг арзонлашувига олиб келади.

Санаторий ҳудудида арча, қарағай каби манзарали дарахтлар сероб. Ушбу дарахтлар ёнида кўпроқ сайр қилган беморлар ҳар қандай юқумли касалликлардан, айниқса, нафас олиш аъзолари яллиғланишидан халос бўлишади. Негаки, тилга олиб ўтилган дарахтлар ўзидан ажратиб чиқарадиган фитонсид моддаси зарарли бактерия ва вирусларни нобуд қилиш хусусиятига эга.

Электротерапия, магнитотерапия, парафин, массаж каби одатдаги даволаш усулларидан тортиб, сув муолажасининг янги усуллари жорий этилган бўлим хизматидан мижозларимиз мамнун. Кислородли ваннада инсон танаси аъзолари зарур витаминлар билан тўйинса, циркуляр душда ҳар томондан юқори босимли сувнинг танага урилиши натижасида гавдадаги барча асаб толалари жонланади, фаолияти кучаяди. Яқин орада ҳозир мавжуд бўлган ароматаннанинг янада такомиллашган шакли ишга туширилади. Унда сувга денгиз тузи билан бирга лаванда, атиргул мойи каби хушбўй ва шифобахш моддалар аралаштирилади. Сувнинг ранги, ҳиди киши кайфиятини кўтаради. Тери тўқималари озиқланиб, тетиклашади. Дарҳақиқат, бутун танангизнинг яйраб, ёшариб юришига нима етсин.

— Турмуш ўртоғимга остеохондроз ташхисини қўйишди. Уч-тўрт кунлик муолажалардан сўнг анча соғайиб қолди. Баҳонада мен ҳам мароқли ҳордиқ чиқаряпман. Худо хоҳласа, ҳар йили келишни ният қилдик, — дейди дам олувчилардан бири, қорақалпоғистонлик Ургенчбой Кантарбоев.

Кузатувларимиз давомида худди шундай мамнуният билан гапирган бир неча мижозларнинг фикрини эшитдик. «Қибрай» сиҳатгоҳининг эътиборли жиҳати шундаки, бу ерга дам олиш ёки даволаниш учун келганлар нафақат ўз саломатликларини тиклашади, балки соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурларини бойитиб, оила аъзоларига ҳам бу борада олган кўникмаларини етказишади. Шу тарика соғликка эътибор одатга айланади.

Шаҳзода ҲАКИМОВА,
«Hurriyat» мухбири

ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ

Олдини олиш мумкин

Сўнгги йилларда дунёнинг қатор минтақаларида ёнғинлар кўпайиб, уларда инсонларнинг тан жароҳати олиш, оммавий ҳалок бўлиш ҳолатлари кузатилди. Масалан, шу йилнинг 11 сентябрь куни Покистоннинг Карачи шаҳридаги йирик тўқимачилик ва пойабзал мажмуасида содир бўлган ёнғин натижасида 250 нафардан зиёд киши ҳалок бўлиб, 300 нафардан ортиғи турли даражада тан жароҳати олди. Хўш, бу каби аянчли оқибат билан тугаган ёнғинларнинг олдини олишнинг имкони борми?

Албатта, ҳар бир масаланинг ўз ечими бўлади. Хусусан, агар кўп минг сонли иш ўринларига мўлжалланган корхоналарда ишчи-хизматчилар хавфсизлигини таъминлаш йўлга қўйилганида ёнғин содир бўлиш эҳтимоли кескин камаяр, кўплаб инсонларнинг бевақт ҳалок бўлишлари ёки бир умрга ногирон бўлиб қолишларининг олди олинган бўларди.

Юқоридаги ҳолатлардан хулоса қилган ҳолда тадбиркорлик истагида юрган фуқароларимизга Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги қарори билан тасдиқланган Низомда белгиланган тартибда объектларни қуриш, реконструкция қилиш, қурилиш ишларида лойиҳада белгиланган ёнғинга қарши тадбирларнинг тўлиқ бажарилишига эришгач, ўз фаолиятларини бошлашларини тавсия этамиз. Ана шунда янги ташкил этилган объектлар, қолаверса, ўша жойларда фаолият кўрсатадиган юртдошларимизнинг хавфсизлиги таъминланади.

Музаффар ҚОДИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЁХББ
бош мутахассиси, подполковник

Фалокат оёқ остидан чиқмасин!

Шу йилнинг сентябрь ойи охирларида Шофиркон туманидаги Қўрбонгли қишлоғида яшовчи Ҳикмат Алдашевнинг оғилхонасида эътиборсизлик оқибатида ёнғин содир бўлди. Аниқроғи, уй бекасининг хазонларни ёқиб юбориши натижасида ғамлаб қўйилган ем-хашакка ўт кетди. Яхшиям, ўт ўчирувчилар кўмагида "тилсиз ёв" жиловланди. Лекин, шунга қарамай, оила қарийб 3 миллион сўм моддий зарар кўрди.

Ёки жорий йилнинг 29 ноябрь куни Жондор туманидаги Пахтаобод қишлоғида яшовчи Саломат Нарзиева хонадонида рўй берган ёнғинни олайлик. Иморатининг электр таъминотидаги носозлик туфайли тармоқда содир бўлган қисқа туташув уй соҳибларига қимматга тушди. Ҳолбуки, қишки мавсумга ўтиш олдидан бу носозлик, яъни электр симлари таъмирланиши лозим эди. Хайриятки, табиий офатдан ҳеч кимга тан жароҳати етмади.

Умуман, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида вилоят миқёсида 650 дан ортиқ ёнғин қайд қилингани, ушбу офатларнинг аксарияти аҳоли хонадонларида содир бўлгани, 20 нафардан зиёд кишига турли даражадаги тан жароҳатлари етгани кишини ташвишлантиради. Энг ачинарлиси, ушбу ёнғинлар уч нафар инсоннинг ҳаётига зомин бўлди.

Ёнғин хавфсизлиги ойлиги муносабати билан вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида тарғибот-ташвиқот ишлари кучайтирилди. Жумладан, Шофиркон, Ғиждувон, Жондор, Когон ва Бухоро туманларида бевосита аҳоли вакиллари билан мулоқотлар, соғлиқни сақлаш, халқ таълими тизими, корхона ва ташкилотлар, турли меҳнат жамоаларида амалий техник-ўқув машғулотлари ўтказилди. Бу тадбирларда фуқароларнинг ёнғин хавфсизлигига оид кўникмалари шакллантирилмоқда.

Шуҳрат ЖУМАЕВ,
Бухоро вилоят Ёнғиндан сақлаш жамоат бирлашмаси раиси

Лоқайдликка берилиб бўлмайди

Олов – тилсиз ёв. Ундан эҳтиёт бўлиш учун ёнғин хавфсизлиги қоидаларига ҳамиша риоя қилиш зарур. Лоқайдликка, эътиборсизликка асло йўл қўйиб бўлмайди.

Кейинги йилларда республикамизда ёнғин хавфсизлиги ойлиги мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда. Ушбу тадбир доирасида жойларда кенг кўламли тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бориляпти. Шу билан бирга, ойлик давомида турар жойларни, таълим ва тиббиёт муассасалари текширувдан ўтказилиб, мавжуд камчиликлар тузатилмоқда. Айниқса, болалар боғчаларида ёнғин хавфсизлиги талабларига қай даражада риоя қилинаётгани ўрганилиб, тегишли чора-тадбирлар кўрилаётгани диққатга сазовордир.

Юртимиз фуқароларини, моддий бойликларимизни ёнғин балосидан асраш нафақат соҳа ходимларининг, балки барчамизнинг бурчимиздир. Буни ҳеч қачон эсдан чиқармаслик шарт.

А.АЗИМОВ,
Шайхонтоҳур туман ИИБ ЁХБ инспектори

Қўлбола печлардан фойдаланишнинг оқибати ёмон

Маълумки, қиш фаслида аҳолининг турли иситиш воситаларига бўлган эҳтиёжи кескин ортади. Бу пайтда айрим хонадон соҳиблари қўлбола печлардан, электр ва газ ускуналаридан фойдаланишади. Табиийки, буларнинг бари ёнғин чиқиши эҳтимолини оширади. Бу эса катта ташвишларга сабаб бўлади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, иситиш воситалари, жумладан, печларни қуришда мавжуд меъёр талабларига амал қилмаслик кўпинча ёнғин келиб чиқишига сабаб бўлади. Демак, бу ишда ўзбошимчалик қилмаслик мақсадга мувофиқ. Зеро, ёнғин «тилсиз ёв» эканини, у яқинларимиз ҳаётига хавф солса, бунинг ўрнини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмаслигини унутмаслик шарт.

И.АҲМАДЖОНОВ,
12-ҲЁХО 26-ҲЁХҚ кичик инспектори

Ёнғинга чўғ ҳам бас

Кашандаликнинг инсон саломатлигига қанчалик жиддий зарар етказишини тиббиёт илми аллақачон исботлаган. Бундан ташқари, учирилмай ташланган сигарета қолдиқлари катта ёнғинларга ҳам сабаб бўлганини иш фаолиятимизда кўп кузатганмиз. Ширакайф ҳолатда сигаретани тутатганча ухлаб қолган кимсаларнинг бутун уй-жойи ёниб кулга айлангани, айниқса, ачинарлидир.

Яна бир гап. Ёнғин хавфсизлигини таъминлашда тез ёнувчи кимёвий моддаларни, каучук ва пластмассадан ясалган буюмларни, кийим-кечакларни сақлаш ва ишлатишда ҳам алоҳида эҳтиёткорлик зарур бўлади. Масалан, турли бўёқларни, синтетик кийимлар ҳамда мебель жиҳозларини иситиш воситалари ёнида сақлаш асло мумкин эмас. Энг ёмони, улар ёнганда ўзидан турли заҳарли моддаларни чиқаради. Бу эса, инсон саломатлигига катта хавф туғдиради.

Буни ёддан чиқармайлик!

К.ЮЛДОШЕВ,
Тошкент шаҳридаги 20-ҲЁХҚ кичик инспектори

ОНГ ТАРБИЯСИ

Бола — оила гултожи

Кўпинча болаларимизга "Унга тегма", "бу ишни қилма" қабилида танбеҳ берамиз. Кети узилмас саволлар берса, "Бас қил, бошимни оғритиб юбординг" ёки "Шу арзимас нарсага ҳам ақлинг етмадими", дея жеркиймиз. Мабодо, қизлар кўмаклашишни истаб ошхонага кирса, "Пичоққа тегма, қўлингни кесиб оласан, буни уддалолмайсан", дея туртиб қўямиз. Дилбандимиз биздан ширин сўз эшитгиси келганда ёки бажарган юмуши учун рағбат кутганда ишдан чарчаб келганимизни леш қилиб унинг хоҳишини жавобсиз қолдирамиз.

Бироқ, бу бефарқлигимиз, қўяётган меъёрдан ортиқ чегараларимиз фарзандларимизни мустақил фикрлашдан, атрофдагилар билан мулоқотга киришишдан чўчитиши, ўзига нисбатан ишончсизлик уйғотиши мумкинлиги ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Руҳий эзилиш таъсирида болада одамлардан узоқлашиш, одамови бўлиб қолиш, ҳатто дўстларини ҳам ёмон кўриб, ёлғизликни истаб қолиш каби нохуш ҳолатлар келиб чиқади. Сиз унга нисбатан эътиборсиз ва беписанд бўлишда давом этаверсангиз, фарзандингиз сизга қарши чиқиб, ўз ҳақини талаб қила бошлайди. Бўлар-бўлмасга уришадиган, унча-мунча нарсани хоҳламайдиган, жиззаки бўлиб қолади.

Бола оиланинг гултожи бўлиб, келажакда ҳар бир давлатнинг ривожига ҳисса қўшадиган фуқароси ҳамдир. Аммо баъзан аҳолининг мазкур қатлами энг ҳимоясиз бўлиб, аксарият ҳолатларда улар ўз оиласида камситилиб, фикрлари мутлақо инобатга олинмайди. Бутун дунёда болаларнинг кўпчилик қисми тўкин яшаш, таълим олиш учун тўла шароитга эга эмас. Хўш, уларни ким ҳимоя қилади?

Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясининг 27-моддасида эътироф этилганидек, оналик ва болалик алоҳида ғамхўрлик ва ёрдам ҳуқуқини беради. Барча болалар, никоҳда ёки никоҳсиз туғилишидан қатъи назар, бир хил ижтимоий ҳимоядан фойдаланиши шарт.

Мазкур ҳужжатга таянган ҳолда ишлаб чиқилган БМТнинг «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги конвенциясида (*БМТ Бош* Ассамблеясининг 1989 йил 20 ноябрдаги 44/25-қарори билан қабул қилинган. Ўзбекистон уни 1992 йилда ратификация қилган.) жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланмиш оила ва тиббий муҳитга унинг барча аъзолари, айниқса, болалар ўсиб-улғайишлари ва фаровонликка эга бўлишлари учун зарур ҳимоя ва ёрдам билан таъминланиши лозимлиги таъкидланган. Шунингдек, боланинг соғлом ва ҳар томонлама баркамол ўсиб-улғайиши учун у оила бағрида, бахт, меҳр-муҳаббат оғушида вояга етиши зарурлиги қайд этилган. Ушбу конвенцияда бола жамиятда мустақил ҳаётга тўла тайёрланиши, агар у жисмоний ва ақлий жиҳатдан камолотга етмаган бўлса, махсус муҳофаза ва ғамхўрликка, бинобарин туғилгунча ва туғилгандан кейин ҳам муносиб даражадаги ҳуқуқий ҳимояга муҳтож эканлиги баён этилган.

Ушбу конвенция дунёга келишининг асосий сабабларидан бири Балтиморда истиқомат қилган 8 ёшли Мари Элен Уильсон номли қизалоқни онаси томонидан муттасил калтакланиши бўлган. Қизалоққа ҳайвонларни қийноққа солишга қарши курашиш жамиятининг аъзолари кўмакка келиб, унинг онасини судга беришган. Айнан шу воқеа бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида илк қадам ташланишига туртки берган.

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатнинг барпо этилиши жамият аъзоларининг болалик чоғиданоқ ҳуқуқий онгини ўстириш ва ҳуқуқий маданиятини шакллантириш масалалари билан бевосита боғлиқ. Шу сабабли бу борадаги миллий ва халқаро қонунчиликни, хусусан, "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги конвенцияни ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимиз аҳолисининг салмоқли қисмини болалар ташкил этишини инобатга оладиган бўлсак, бола ҳуқуқларини ўрганиш ва уларга жиддий эътибор қаратиш куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Юртимизда болаларга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатиш, оналик ва болаликни муҳофаза этиш масалалари давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини босқичма-босқич ислоҳ этиш, бу соҳадаги халқаро меъёрларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш ва қонунчиликни такомиллаштиришга жиддий эътибор қаратиб келинмоқда. Ўтган даврда вояга етмаганларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни кўзда тутувчи бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Бошқача айтганда, "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги конвенция талабларидан келиб чиқиб, юртимизда бола ҳуқуқларини ҳимоялашга қаратилган ислоҳотлар бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, унинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш, камситилишига йўл қўймаслик, шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, болалар ҳуқуқлари ва имкониятларининг тенглигини таъминлаш каби йўналишларда ишлар олиб борилмоқда.

Мазкур ҳужжатнинг 6-моддасида таъкидланганидек, ҳар бир бола яшаш учун ажралмас ҳуқуққа эга. Шу моддани 2-бандида эса ҳар бир давлат боланинг омон яшаши ва соғлом ривожланиши учун мумкин қадар юқори даражада имконият яратиб бериши лозимлиги қонунан мустаҳкамланган.

7-моддани 1-бандида айтилганидек, бола туғилган заҳоти рўйхатга олиниш ва туғилган дақиқасидан бошлаб исм билан аталиш ва фуқароликка эга бўлиш, шунингдек, иложи борича, ўз ота-онасини билиш ва уларнинг ғамхўрликларидан бахраманд бўлиш ҳуқуқларига эга.

Бола ўзининг фикрини эркин ифодалаш ҳуқуқига эгалиги конвенциянинг 13-моддасида ҳар қандай турдаги ахборотни, чегарасидан қатъи назар, оғзаки, ёзма ёки босма шаклда, санъат асари кўринишида ёки боланинг танловига кўра бошқа воситалар ёрдамида излаш, олиш ва узатиш эркинлигини ўз ичига олиши таъкидланган.

Бундай ҳуқуқнинг амалга оширилишида баъзи бир чеклашларга дуч келиши мумкин, бироқ бундай чеклашлар фақат қонунда кўзда тутилган қуйидаги чеклашлардан иборат:

— бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва обрўсини ҳурмат қилиш учун;

— давлат хавфсизлиги ёки жамоат тартибини, аҳолининг соғлиғи ёки маънавиятини муҳофаза қилиш учун.

Шу каби биз эътибор бермай, ёинки билмай болаларимиз ҳуқуқларини поймол этаётган вазиятлар кундалик ҳаётимизда тез-тез учраб туради. Мамлакатимизда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатни барпо этиш йўлидан борар эканмиз, жамиятимиз аъзоларини болалик чоғиданоқ ҳуқуқий онгини ўстириш ва ҳуқуқий маданиятини шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратишимиз лозим.

Гўзал МАЛИКОВА,
"Hurriyat" мухбири

ТААССУРОТ

БУЮК АТТОР МАЪРИФАТИ

Азизийнинг «Фаридуддин Аттор» бадиаси хусусида сўз

АТТОРШУНОСЛИККА КИРИШ

Не-не аждодларимиз учун қўл етмас орзу бўлган Мустақиллигимизнинг йигирма иккинчи йилида яшаяпмиз. Истиқлол бизга буюк боболаримизнинг улуғвор маънавий меросини, хусусан, фалсафий-адабий, сиёсий-ҳуқуқий ва диний-ахлоқий қадриятларимиз жамланган қўлёзма манбалар ва китобларни ўқиб-ўрганиш, уларни асраб-авайлаб келгуси авлодларга етказиш имконини бергани боис ҳам азиз ва қимматлидир.

Мустақиллигимиз шарофати ила муқаддас Қуръони карим, ҳадиси шарифлар маънавий дунёқарашимизда яна юксак қадрини топди, диний-фалсафий ва ахлоқий-ҳуқуқий меросимизни ўқиш ва мағзини чақиш борасида имкониятлар эшиги ланг очилди. Аввалари тақиқ тамғаси босилган қанчадан-қанча бебаҳо асарлар эндиликда халқимизнинг маънавий мулкига айланди. Не саодатки, бугун барчамиз Имом Бухорий ва ат-Термизий, Имом Мотуридий ва Абдулхолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд ва Бурҳониддин Марғиноний, Нажмиддин Кубро ва Паҳлавон Маҳмуд, Ҳофиз Шерозий ва Абулвафо Хоразмий, Хожа Аҳмад Яссавий ва Хожа Аҳрор Валий каби ҳассос сўз усталари ижодиётининг шаклий нафосати ва бадиий балоғатидан тўла баҳраманд бўлмоқдамиз.

Ана шу нодиру ноёб асарлар қаторида Шарқ мумтоз адабиётининг йирик намояндаларидан бири, ўзидан кейинги барча буюк ижодкорлар ҳурмат ила эътироф этган улкан мутасаввиф шоир **Фаридуддин Аттор**нинг неча асрлардан буён дилларга манзур бўлиб келаётган **"Мантиқ ут-тайр"** *(Тошкент, "Фан", 2006)*, **"Илоҳийнома"** *(Тошкент, "Мусиқа", 2007)*, **"Асрорнома"** *(Тошкент, "Ўзбекистон Миллий энциклопедияси", 2008)* каби мажозий достонлари ҳам кейинги йилларда ҳассос шоиримиз Жамол Камол томонидан она тилимизга ўгирилдики, эндиликда китобхонларимиз ана шу маънавият жавоҳирларидан завқ ва баҳра олаётир.

Муҳими, юртимизда атторшунослик соҳасида янгидан-янги марралар забт этилмоқда. Яқинда Шайхнинг **"Панднома"** ва **"Булбулнома"**, шунингдек, **"Уштурнома"** асарлари ҳам Жамол Камол таржимасида нашрдан чиқди. Буларнинг барчаси албатта, Ўзбекистонда Аттор ижодини чуқур ва муфассал ўрганиш борасида нечоғлик катта салоҳият мавжудлигининг яққол тасдиғидир.

Фаридуддин Аттор асарларининг ўзбекча таржималари Жамол Камол билан бир қаторда 1994 йили "Илоҳийнома"нинг насрий таржимасини амалга оширган таниқли тасаввуфшунос олим Нажмиддин Комилов, 1997 йилда **"Тазкират ул-авлиё"** асарини ўзига хос маҳорат билан тилимизга ўгирган ҳассос шоир Мирзо Кенжабек каби қалам аҳлларининг самарали меҳнати ва жўшқин ижоди маҳсули эканини алоҳида қайд этиш лозим.

Асосийси, айнан мустақиллигимиз бу борадаги барча хайрли ишларга катта йўл очиб берди. Зотан, истиқлолга қадар биз ўқиш ва билиш зарур бўлган фалсафий, тасаввуфий қанчадан-қанча китобларни қўлимизга ҳам олмаганмиз.

Айтиш керакки, Фаридуддин Аттор ғоят сермаҳсул шоир бўлиб, ундан улкан адабий мерос қолган. Шу билан бирга буюк алломанинг ижоди жаҳонда шунчалик кўп ва муфассал ўрганилганки, хорижда атторшунослик йўналиши шаклланган, десак асло муболаға бўлмайди. Натижада у ҳақда сайёрамизнинг турли иқлимларида кўплаб илмий, фалсафий, адабий-бадиий асарлар яратилди ва яратилмоқда.

Таниқли уйғур шоири, адиби ва таржимони **Азизийнинг "Фаридуддин Аттор" бадиаси** ана шундай асарлар жумласига киради. Ушбу асар таржимон Ҳабибуллоҳ Зайниддин, масъул муҳаррир Аҳмад Муҳаммад ва ноширларимиз саъй-ҳаракатлари билан китобхонларимизга туҳфа этилди.

Бадиа муаллифи ҳақида икки оғиз: Азизий 1962 йили Хитой Халқ Республикаси Хўтон вилояти Чирё туманининг Мозорқўл кентида туғилган. 1985 йили Шинжонг университетининг адабиёт факультетини тамомлаган. Ҳозиргача мингдан зиёд назмий асарлар, икки юзга яқин таржима асарлар муаллифидир. Баъзи асарлари хитой ва ўзбек тилига таржима қилинган. Жумладан, Азизийнинг "Фаридуддин Аттор" бадиаси Ўзбекистонда илк бор "Жаҳон адабиёти" журнали *(2009, 12-сон)* саҳифаларида чоп этилган.

Муаллиф ўз асарида Фаридуддин Аттор яшаган мураккаб, таҳликали тарихий муҳитни мухтасар баён этган. Бу давр XI-XIII аср бошларидаги Салжуқийлар, Ғазнавийлар, Хоразмшоҳларнинг ўзаро тўқнашувлари ҳамда Чингизхоннинг Ўрта Осиёни, хусусан, Бухоро, Самарқанд, Урганч шаҳарларини босиб олиши билан характерланади.

Бадиада Атторнинг она шаҳри Нишопур ғоят гўзал бадиий бўёқларда тасвирланади. Нишопур — Шарқнинг машҳур тарихий ва маданий марказларидан. Бу шаҳар дунёга кўпгина атоқли олиму фузалоларни етказиб берган. Шарқнинг машҳур тасаввуф шоири, буюк маърифатпарвар Фаридуддин Аттор ана шундай мутафаккирлар жумласига киради.

ДАВЛАТШОҲ САМАРҚАНДИЙ: "ШОИРЛИК УНИНГ КАСБИ, ОДАТИ ЭМАС ЭДИ"

Китобда мавлоно Навоий **"шеър ёзишдан мақсади илоҳий сирларни баён қилиш ва чексиз маърифат тарқатиш эди"** деб таърифлаган мутасаввиф шоирнинг ҳасби ҳоли, ҳаёт йўли ва ижодий фаолияти, адабий-фалсафий мероси ва тасаввуфий қарашлари муфассал тарзда ёритилган.

Фаридуддин Аттор Жалолиддин Румий ва Алишер Навоий каби даҳоларнинг маънавий устози бўлган. Аттор — тазкиранавис шоир. Жомий ва Навоий унинг "Тазкират ул-авлиё" асарига таяниб, ўз тазкираларини ёзганлар.

Аттор ҳаёти ва ижодий меросининг жавҳари — бу тасаввуф таълимотидир. Азизий ҳам буюк Шайх ҳасби ҳолини чуқур ўрганган бошқа муаллифлар қатори **"Атторнинг ҳаёти ҳақидаги қарашлар бир-бирига мос келмайди"** деб таъкидлар экан, шу боис ул зотнинг **"ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақидаги масалада бирор қатъий хулосага келиш қийин"** эканига эътиборни қаратади.

Ҳақиқатан ҳам, Атторнинг таваллуди ва вафоти йиллари ҳақида аниқ бир фикр мавжуд эмас. **"Атторни тахминан ўн иккинчи асрнинг бошларидан ўн учинчи асрнинг дастлабки чораклариигача бўлган ораликда яшаб ўтган сиймолардан биридир, деб қарашга тўғри келади"**, деб ёзади муаллиф.

Азизий ўз асарида Аттор ҳаётига оид турли ғаройиб воқеа ва ривоятларни келтиради. Дарвешнинг ўлими, 12 ёшли Жалолиддин Румий билан учрашув, Атторнинг ўлими билан боғлиқ воқеалар шулар жумласидандир.

Атторнинг дунёда шуҳрат қозонган тўлиқ номи: Муҳаммад Фаридуддин ибн Иброҳим шайх Аттор Нишопурий бўлиб, халқ орасида машҳур бўлган **"Фаридуддин"** деган номи — **"диннинг ягонаси"** деган маънони беради.

Азизий Атторнинг таълим олиши билан боғлиқ жараёнлар ва устозлари ҳақида батафсил маълумотлар беради. Бунда у Алишер Навоий, Абдурраҳмон Жомий, Давлатшоҳ Самарқандий каби мумтоз мутафаккирлар, Радий Фиш, Ҳельмут Риттер, Мустафо Услу, Нажмиддин Комилов каби замонавий муаллифларнинг асарларига таянган.

Шайх Аттор ҳаётда анча қийинчиликларни бошидан кечирган, оғир синовларга дуч келган. Айни вақтда, юқорида қайд этганимиздек, Аттор ўзидан жуда бой мерос қолдирган. Унинг асарлари сони ҳақида тадқиқотчилар орасида якдил фикр йўқ. Бу борада турли манбаларда ва турли муаллифлар томонидан турлича фикрлар билдирилади. Масалан, Давлатшоҳ Самарқандий **"Тазкират уш-шуаро"**сида Аттор асарларининг умумий ҳажмини 250 минг байтга яқин деб кўрсатган.

Германиялик шарқшунос олим, профессор Ҳелмут Риттер Аттор асарларини мазмунан ва услуб жиҳатдан уч босқичга бўлиб, унинг 22 та асарини ёзилиш тартиби бўйича кўрсатган. Ҳ.Риттернинг таъбири билан айтганда, биринчи босқичда Аттор моҳир ҳикоянавис, иккинчи босқичда ҳиссаяжонга тўлиб тошган шоир, кейин эса ҳар қандай режадан фориғ бир ҳолда асарлар яратган эркин ижодкордир.

Ўз навбатида, Азизий Атторнинг 18 та асарига қисқа, лекин мазмунан теран тавсиф берган. Муаллиф таъкидлаганидек, Атторнинг асарлари унинг дунёқарашини очиб беришга хизмат қилади.

АТТОР — ТАСАВВУФШУНОС АЛЛОМА

Азизий бадиасида Аттор дунёқарашининг асосий йўналишлари очиб берилган. Муаллиф асосли эътироф этганидек, **"Аттор дунёқараши асосини ўрта аср Шарқ ислом тафаккурининг илғор оқими бўлган тасаввуф таълимоти ташкил этади"**.

Фаридуддин Аттор тасаввуф таълимотининг йирик сиймоларидан биридир. Атторнинг барча асарларида тасаввуфий дунёқараш асосий ўринда туради. Азизий бу ҳақдаги фикрларини давом эттириб, **"Аттор ўз таълимотларида тариқат масаласини бошдан-охир асосий ўринга қўйиб таъкидлайди ҳамда уни ибратли мисол, ақлий тушунчалар орқали атрофлича шарҳлайди"**, деб алоҳида қайд этади .

Тариқат инсон учун бир мактабдир. Азизийнинг ёзишича, бу мактабнинг асосий мақсади инсонни руҳий ва ақлий жиҳатдан тарбиялаб, такомилликка юзлантириш, ўз амалиёти орқали ўзини тарбиялаб инсоний фазилатни мустаҳкамлашдир.

Азизий тариқат, солик (сулук аъзоси), пир, мурид, тариқатнинг олти мақоми (тавба, вараъа, фақирлик, сабр, таваккул, ризо), тавҳид (танҳолик), иймон каби тасаввуфнинг асосий тушунчаларини Аттор асарларида келтирилган ривоят ва ҳикоятлар асосида очиб берган . Шу билан бирга, муаллиф тариқат мақомларининг сони бўйича турли тадқиқотчиларга мансуб фикрларни ҳам келтиради.

Бу жиҳатдан, Азизийнинг фикрига кўра, "Илоҳийнома"ни маълум маънода Атторнинг тасаввуфий қарашларини шарҳлашга бағишланган асар, дейиш мумкин. "Мантиқ ут-тайр" достонидаги Шайх Санъон қиссаси эса **"тасаввуф адабиётида ажойиб сеҳрли кучга эга, ахлоқий ҳикматларга бой, нозик бадиий туйғулар жилваланиб турадиган, кишининг руҳий дунёсини ларзага соладиган ўлмас қиссаларнинг биридир"**.

Шундай қилиб, Атторнинг тасаввуф ҳақидаги қарашлари **"руҳий такомилликни тарғиб қиладиган тараққиёт жараёнидан иборат бўлиб, у инсоннинг руҳий камолотини мақсад қилади"**. Аттор маърифий йўлидаги етти водий (талаб водийси, ишқ водийси, маърифат водийси, истиғно водийси, тавҳид водийси, ҳайрат водийси, фақру фано водийси) **"бир-бирини тўлдирувчи руҳий камолот босқичлари бўлиб, у соликда илоҳий маърифатнинг намоён бўлиши учун замин ҳозирлайди"**.

Хулоса қилиб айтганда, шайх Фаридуддин Атторнинг асарлари юртимизда аввалига парчалар шаклида ва насрда, сўнг эса мукаммал ҳолда, назмда таржима қилиниб чоп этилгани, боз устига буюк мутасаввиф шоирнинг ҳасби ҳоли ва ижодий фаолияти, адабий-фалсафий мероси мукаммал тарзда очиб берилган хорижий муаллифларнинг сара асарлари ўзбек тилида китобхонларга тақдим этилгани тасаввуф адабиётини ўқиб-ўрганишда кейинги йилларда қандай улкан имкониятларга эга бўлганимиздан далолатдир.

Акмал САИДОВ,
юридик фанлар доктори,
профессор

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИНИНГ ЙЎЛЛАНМАСИ БИЛАН

ОРЗУЛАРИ ОСМОН ОДАМЛАР

Болалик пайтим. Тунда бобом билан адоқсиз қирадирларнинг танобини тортиб, яёв кетиб бораяпмиз. Назаримда ўшанда осмон ниҳоятда паст, юлдузлар қўл чўзсанг етгудек эди. "Баландда турган одам кўп нарсани кўради", дегич бобомнинг пурмаъно ҳикматларидан баҳра олиб, уларга эргашаман. Шу кетишда юксак чўққилар этагида жойлашган қадрдон қишлоғимизга етиб оламиз. Бобомнинг кўнгли ёришиб севимли макони Пиряхтоғни ёш болалар каби эркалашга тушади.

— Ў, қорларингдан айланай Пирях, сендан жаннатнинг иси уфуради...

Бобомнинг сўзларидан ҳанг-манг бўлиб қоламан. Борлиққа салмоқлаб кўз ташлайман, лекин негадир ҳеч нарсага ақлим етмайди...

Мана энди орадан қанча йиллар ўтиб, ҳар гал пойтахтдан Сурхонга қайтар тоғимда бобом айтган ўша гапларнинг маъзини бироз чаққандай бўламан. Болаликнинг ортга қайтмас беғубор олами-ю, воҳанинг элим, юртим деб куйиб, ёниб яшаётган кўнгли осмон одамлари хаёлимдан худди кино тасмасидек жонланиб ўта бошлайди.

Сурхон Термизийларнинг табаррук излари қоришиб кетган муқаддас тупроқ. Шунданми, қуёш ҳам бу заминни беҳад севиб, энг кўп ёғдуларини шу ерга чош айласа, не ажаб. Гўё унинг ҳар бир тоши, гиёҳи ўтмишдан ҳикмат сўйлаётгандек назаримда. Ҳа, бу замин тупроғини кўзига тўтиё қилиб, ҳар бир тошини севиб ардоқлагувчи инсонлар кўп.

Шу кунларда Ватанимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Сурхон заминида ҳам Бош Қомусимиз қабул қилинганининг 20 йиллиги муносабати билан эсда қоларли учрашувлар ва байрам шодиёналари бўлиб ўтаяптики, улар ёшу қарига катта шодлик ва кўтаринкилик бахш этмоқда. Шу воҳанинг бир ўғли ва шайдоси сифатида мен ҳам ушбу дилтортар учрашувларда қатнашиб, бу ердаги бағрикенг, меҳнаткаш ва оқкўнгил инсонлар билан суҳбатлашиб, кўнглим тоғдай кўтарилди, керак бўлса, руҳим тозариб, янги бир илҳом олдим, десам асло янглишмайман.

Бугунги навқирон Термиз шаҳрига кейинги беш-ўн йилда келмаган бўлсангиз, уни танимаслигингиз табиий. Аму бўйидаги шаҳарнинг гул-гулзорларга бурканган, обод ва кўркам кўчаларию, кундан кунга қад ростлаётган беқиёс иморатлари қаршисида лол қолиб, олис ва яқин ўтмишлар бир-бир хаёлингиздан ўтади. Айтишларича, Чингизхоннинг Ўрта Осиёга босқинига қадар бўлган жангу жадалларда Термиз неча марта вайрон этилиб, неча бора қад тиклаган экан. Яқин ўтмишда, яъни истиқлол йилларига қадар Термиз чегарадаги шаҳар бўлиб, унча-мунча одамнинг қадами бу ерга етолмасди. Мана, мустақиллик шарофати билан биргина Термизда қанчадан-қанча маҳобатли ва кўркам иншоотлар бунёд этилди. Ажойиб спорт мажмуалари, шаҳар аэропорти ва темир йўл вокзали, археология музейи, Термиз давлат университетининг янги биноси, кўплаб мактаб, шифохона, коллеж ва лицейларнинг бинолари, файзли бозорлар бугунги Термизга бутунлай ўзгача ҳусн ва тароват бағишлаб турибди.

Пойтахтдан борган ҳамроҳларим — адабиётшунос олим Адҳамбек Олимбеков, ёзувчи Тўлқин Ҳайитов, шоирлардан Шодмонқул Салом, Мусаллам-бону, Жамила Эшонқуловаларга ўзим кезган дашту далаларнинг мислсиз хислатларини сўзлашдан чарчамайман. Сўз заргарларини мудом қадрлайдиган воҳа аҳли бизга қулочини кенг ёзиб пешвоз чиқишади. Эл ичида юришнинг гашти ўзгача бўлади-да. Муҳтарам Юртбошимиз бежиз "Адабиётга эътибор — маънавиятга эътибор, келажакка эътибор" рисоласида ***"Ёзувчиликнинг мактаби ҳам, дорилфунуни ҳам битта. У ҳам бўлса, бир умр ҳаётнинг ичида бўлиш, ўз халқи билан ҳамдарду ҳамнафас бўлиб яшаш, ҳақиқат ва адолатга садоқат билан хизмат қилишдир***" демаган экан.

Бизлар бу заминда яшаётган оддий инсонлар, деҳқону миришкор, ўқитувчию шифокор, талабаю ўқувчилар, боринги, ким билан суҳбатлашмайлик, албатта, гап мавзуси бугунги дориломон ва осойишта кунларимизни бошлаб берган азиз ва муқаддас мустақиллигимиз ҳақида бўлди. Худди шундай учрашувлардан бири Сариосиё туманида бўлиб ўтди. Туман "Сариосиё" газетаси кунларига бағишланган анжуманда сўзга чиққан Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид юртимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ва улкан бунёдкорликлар, одамларимизнинг онгидаги ўзгаришлар ҳақида тўлқинланиб гапирди. Анжуманда сўзга чиққан Т.Ҳайитов, Шодмонқул Салом ва бошқа ижодкорларнинг дил сўзлари адабиёт ихлосмандларига завқу шуур улашди, десам муболаға бўлмайди. Муҳтасар айтганда, Сурхондарёга қилган ижодий сафаримиз ниҳоятда мазмунли ва файзли кечди. Боботоғдан балқиб чиққан қуёш тафти кўнглимизга ҳузур бағишлади.

Болаликда бобом билан тирмашиб чиққан баланд чўққиларга кўз тикдим, тоғлар гўё бизни янада юксакликларга ундаётгандек эди. Орзулари осмон одамларнинг беғубор дунёси қалбимизга эзгуклик нурларини ёғдирди.

АХТАМҚУЛИ

ҲА-ЁТ

Не бўлса ҳам яхшиликка

Дугонамнинг пули йўқолди. Анча пайтгача жиғибийрон бўлиб юрди.

— Аниқ биламан, — деди у тутоқиб, — пулимни автобусда ёнимда турган шоп мўйловли одам олган. Ўғринча қараётганини ҳам сезувдим-а...

— Қўл билан ушламаганингдан кейин бадгумон бўлма. Балки, ўзинг бирор жойда унутиб қолдиргандирсан. Яхшилаб эслаб кўр, — дейман оз бўлса-да ҳовуридан тушириш учун. — Нима бўлса ҳам яхшиликкадир.

— Пулнинг йўқолиши ҳам яхшиликка бўларканми? — деди у зардаси қайнаб.

Хуллас, тинчланавермагач, дугонамга ушбу ривоятни сўзлаб бердим: қадим замонда бир шоҳнинг оқил вазири бўлган экан. Бир куни подшоҳ уйқудан жуда хомуш уйғонибди. Сабабини сўраган вазирга: "Тушимда катта-катта оқ илонлар мени чақаётган эмиш", — деб жавоб берибди. "Эй, олампаноҳ, — дебди вазир, — кўрган тушингиз ғоятда хайрли. Чунки оқ илон хазина аломатидир. Ҳар не бўлса-да, яхшиликка".

Шоҳ бу сўзларни эшитиб тинчланибди. Доно вазирига ҳурмати янада ошибди. Подшоҳ ва вазир ўртасидаги бундай яқинликни кўролмаган сарой аъёнлари вазирга туҳмат қилишибди. Фиску фасодга ахийри подшоҳ ҳам ишонибди. Ғазабга минганича жаллодларига вазирни уйидан бир қадам чиқиши биланоқ ўлдиришларини буюрибди. Орадан беш кун ўтса ҳамки, на вазирнинг жасадидан, на жазога жўнатган жаллодлардан хабар бўлибди. Шунда шоҳ нима бўлганини билиш учун ўзи йўлга тушибди. Бориб қараса, жаллодлар ҳалиям вазирнинг эшиги олдида пойлаб туришганмиш. Шоҳ ичкарига кириб қараса, вазир юролмайдиган аҳволда ётган экан. "Эй шоҳим, таҳорат олаётиб мункиб кетдим. Натижада ўнг оёғим лат еди. Шу сабабдан ҳузурингизга ҳам боролмадим. Майли, бундан баттароғи ҳам бўлиши мумкин эди. Шунисига ҳам шукур". Уни тинглаган шоҳ ўлим тўғрисидаги ҳукмини бекор қилиб, "Оёғи сингани яхшиликка бўлибди. Акс ҳолда шундай ақлли вазиримдан айрилиб қоларканман", — деб кўнглидан ўтказган экан.

Дугонам пули йўқолганидан сўнг орадан анча ойлар ўтди. Яқинда у менга севимли ёзувчимнинг китобини совға қилди.

— Бу китобни қайси пулга сотиб олганимни биласанми? — деди у совғани узатаркан кўзлари порлаб. — Пул йўқотдим, дегандим, эсингдами? Ўша пулнинг бир қисмига сотиб олдим бу китобни. Мен ўшанда пулни хонамдаги гиламнинг остига беркитиб қўйганим умуман ёдимдан кўтарилган экан. Тунов куни топиб олдим...

Дугонамнинг сўзларини тинглар эканман, яна бир бор юқорида зикр этилган ҳикматли сўзларнинг рост эканига ишондим. Дарҳақиқат, не бўлса ҳам яхшиликка экан...

Дурдона МУХТОРОВА

✓ ТАДҚИҚОТЛАР САМАРАСИ



ИЛМ КОНИ, БИЛИМ МАСКАНИ

Хива шаҳрига кираверишдаги ажойиб тарихий обида – Қўша дарвоза билан ёнма-ён жойлашган салобатли бинода, мана, ўн беш йилдирки, Хоразм Маъмун академияси фаолият кўрсатиб келмоқда. Ушбу маскан илм аҳли учун кенг имкониятлар яратган.

Ватанимиз тарихини чуқур ўрганиш, боболаримиздан қолган бой меросни асраб-авайлашда академиянинг ўрни, аҳамияти катта. Қолаверса, ёшлар тафаккури, билим доирасини кенгайтиришда бу даргоҳ ўзига хос муқаддас маскан вазифасини ўтамоқда. Урганч давлат университети қошидаги 4-сонли академик лицей, шунингдек, педагогика касб-ҳунар коллежи ва тўртта умумтаълим мактабининг академияга яқин жойлашгани ҳам ёшлар билан ишлаш учун қулай шарт-шароит яратади. Умуман, академия эшиги ёшлар учун доимо очиқ.

Шу кунларда академияда тадқиқот ишларига бюджетдан ташқари маблағларни жалб қилиш, илғор хорижий мамлакатлардаги илмий марказлар фаолияти билан яқиндан танишиш ва улар билан ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйишга эътибор кучайтирилмоқда. Ўқув дастурлари, қўлланмалар яратишда олий ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари билан самарали ҳамкорлик қилинмоқда. Академия қошида хўжалик ҳисобида фаолият юритувчи доривор ўсимликлар боғи мавжуд. Унда 40 нафар илмий ходим, шу жумладан, 8 нафар фан доктори, 16 нафар фан номзоди долзарб мавзуларда илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигини нишонлаш тўғрисида» қабул қилган қарори (2004 йил, 9 ноябрь) асосида академия биноси дунё андозалари асосида тўла таъмирланди. Академия музейи янада бойитилди. Бу ерда ноширлик бўлими ташкил этилиб, «Хоразм Маъмун академиясининг ахборотномаси» журнали чоп қилинмоқда. Кутубхона фонди эса нодир китобларнинг асл нусхалари ҳисобига кўпайди. Президентимиз томонидан академияга ўта ноёб, замонавий лаборатория анжомлари тухфа қилинди. Жумладан, дон ва дон маҳсулотларининг сифатини аниқлайдиган комплекс лабораторияда буғдой ва ун таркибидаги клейковина, шунингдек, оқсиллар миқдорининг аниқланиши яқин келажакда Хоразм воҳаси, Қорақалпоғистон Республикасига хос буғдой навларини тўғри танлашда катта самаралар бериши табиий. Физик-кимёвий тадқиқотлар лабораторияси эса жаҳон андозаларига тўла мос келадиган хроматограф билан таъминланди. Бу эса озуқалар, тупроқ ва сувдаги турли заҳарли моддалар, кимёвий бирикмаларни аниқлаш имконини яратди.

Ҳозирги вақтда академиямиз республикамиздаги бир қатор йирик илм даргоҳлари, шунингдек, Франциянинг Сорбонна, Жанубий Кореянинг Кёнхи университетлари, Саудия Арабистонидаги Подшоҳ Файсал илмий текшириш маркази, Франциянинг Миллий кутубхонаси билан тарих, археология, этнография, биотехнология соҳаларига оид қўлёзмаларни тадқиқ этиш бўйича ҳамкорлик ўрнатган. Шунингдек, Малайзия, Италия, Германия, Польша, Миср давлатларидаги нуфузли илм даргоҳлари билан халқ хўжалигининг турли тармоқларидаги муаммолар ечимини биргаликда излаш бўйича амалий ишлар қилинмоқда.

Айни пайтда 5 та фундаментал, 5 та илмий-амалий ва 1 та ёш олимларнинг илмий-амалий лойиҳалари амалга оширилмоқда. Жумладан, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Ш.Қодировнинг «Хоразм тупроқ иқлим шароитларида доривор ўсимликларни ўстириш технологиясининг илмий асосларини ишлаб чиқиш», биология фанлари номзоди Ф.Сапаеванинг «Туямўйин сув омборининг тозалик даражасини аниқлашда иштирок этувчи индикатор микроорганизмларнинг ролини ўрганиш», техника фанлари номзоди И.Рўзметовнинг «Ташқаридан иссиқлик бериладиган двигатель (ТИБД) яратиш», техника фанлари номзоди Г.Дурдиеванинг «Пахса девор меъморий ёдгорликларини ташқи муҳит таъсиридан ҳимоя қилишнинг илмий асосланган услубларини ишлаб чиқиш (Хоразм ва Қорақалпоғистон ҳудуди)», тарих фанлари номзоди, доцент С.Давлетов илмий раҳбарлигида «Хоразм вилояти аҳолиси экологик маданиятини ошириш орқали экологик ҳолатини яхшилаш», фан номзоди, катта илмий ходим Д.Аккужин илмий раҳбарлиги остида «Ғўза янги навининг уруғини кўпайтириш ва тизмаларидан эртапишар, серҳосил, IV типга кирувчи сифатли тола берадиган, экстремал шароитларга бардошлисини танлаш ва уни рақобат синовидан ўтказиб, давлат нав синовига топширишга тайёрлаш» мавзусида лойиҳалар бажарилмоқда.

Қувонарлиси, Хоразм воҳаси учун мос, юқори самара берадиган, шунингдек, сув танқислигига, экологик ва бошқа экстремал шароитларга бардошли ғўза навларини яратишда Республика Фанлар академияси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти олимлари билан ҳамкорликда илмий ишлар олиб борилмоқда.

Олимларимиз яна бир хайрли ишга қўл урган. Ўзбекистон Қизил китобига киритилган Амударё катта ва кичик кўракбурун (тошбақа ва қилқуйруқ) балиқларини кўпайтириш бўйича амалий ишлар бошлаб юборилди. Бу Москва ҳайвонот боғи ва Россия балиқчилик хўжалиги илмий текшириш институти билан биргаликда амалга оширилмоқда.

Қисқаси, бугунги кунда бой илмий базага эга бўлган академияда талабалар, магистрантлар ва илмий ходимлар илмий-тадқиқот ишларини самарали олиб бориши учун кенг имкониятлар яратилган. Академия келгусида ҳам ёш авлоднинг илм-фанга бўлган эҳтиёжини қаноатлантирадиган маскан бўлиб қолади.

Рўзимбой ЭШЧОНОВ,
Хоразм Маъмун академияси раиси

✓ СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ

Бадиий гимнастика оммалашмоқда

Юртимизда спортнинг барча турлари тобора оммалашиб бормоқда. Бундан кўзланган мақсад ҳар бир оилада, пировардида жамиятда соғлом муҳит яратишдан иборатдир.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан шаклланган ва борган сари кўлами кенгаяётган "Соғлом она — соғлом бола" тамойилига асосан хотин-қизларнинг спорт билан шуғулланишлари учун босқичма-босқич барча шарт-шароитларнинг яратилаётгани фикримиз далилидир. Бугун юртимизда 2 миллион нафарга яқин хотин-қиз спорт билан шуғулланади. Айниқса, бадиий гимнастиканинг, ёшлар орасида тез оммалашиб бораётгани қувонарлидир. Спортнинг бу тури қизларни ҳам жисмонан, ҳам эстетик тарбиялаши, мусиқа ва рақсга қизиқишларини ошириши, пировардида, уларнинг маънан етук бўлиб улғайишларига хизмат қилиши билан чамбарчас боғлиқ.

2005 йили мамлакатимизда Ўзбекистон гимнастика федерацияси ташкил этилди. Шундан сўнг Хоразм, Бухоро, Навоий, Тошкент, Фарғона, Андижон вилоятлари ва Тошкент шаҳрида гимнастика марказларининг фаолияти йўлга қўйилди. Эътиборлиси, ҳозир бундай масканлар фаолиятини юртимизнинг ҳар бир туман ҳамда шаҳрида кузатиш мумкин.

Аҳоли ўртасида спортнинг бу турига қизиқиш ортаётгани гимнастика билан шуғулланишни хоҳлаган хотин-қизлар сонининг ошиб бораётганида кўринади. Биргина Тошкент шаҳри мисолида оладиган бўлсак, бу ерда ҳозир 2 мингдан зиёд ўқувчи қизлар бадиий гимнастика билан мунтазам шуғулланмоқда. Бундан ташқари, пойтахтимиздаги 300 дан ортиқ мактабгача таълим муассасаларида ташкил этилган гимнастика тўгаракларида 450 нафардан зиёд ўқитувчи-мураббийлар ушбу спорт тури бўйича машғулотлар олиб боришаяпти. Соҳага оид янгиликлардан хабардор бўлиш, бадиий гимнастика бўйича яхши кўрсаткичларга эришган мамлакатлар спортчилари билан тажриба алмашиш мақсадида Халқаро Олимпия қўмитаси ва Халқаро гимнастика федерацияси билан ҳамкорликда Тошкентда қатор амалий семинарлар ўтказилмоқда. Бу тадбирларда ўқитувчи-мураббийлар керакли билим ва кўникмаларни эгаллашмоқда.

Амалга оширилаётган шу каби саъй-ҳаракатлар жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда, шунингдек, турли нуфузли халқаро мусобақаларда спортчиларимизнинг юқори натижаларга эришишларида қўл келаётир. Масалан, 2010 йилда Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида бўлиб ўтган XVI ёзги Осиё ўйинларида ўзбекистонлик бадиий гимнастикачи қизларнинг қайд этган натижаларини эслайлик. Мазкур нуфузли мусобақада юртимиз вакиллари ўз истеъдод ва маҳоратларини намоён этиб, қитъа иштирокчилари орасида иккинчи ўринни эгаллашганди.



Президентимизнинг 2011 йил 27 августдаги "Бадиий гимнастика бўйича болаларўсмирлар ихтисослаштирилган республика олимпия захираси спорт мактабини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига асосан замонавий талабларга тўла жавоб бера оладиган Республика олимпия захираси спорт мактаби ташкил этилди. Бугунга келиб ушбу маскан мамлакатимиз шаънини халқаро мусобақаларда муносиб ҳимоя қила оладиган спортчиларни тарбиялашдан ташқари, хотин-қизлар ўртасида бадиий гимнастикани янада оммалаштиришга хизмат қилмоқда. Ўзбекистонда мазкур спорт турига берилаётган бундай юксак эътибор хорижлик эксперт ва мутахассислар томонидан ҳам юқори баҳоланаётир. Бу, ўз навбатида, қалбимизга чексиз қувонч ва ғурур бағишлайди.

Яна бир гап: сўнгги йилларда Ўзбекистон бадиий гимнастика бўйича йирик спорт мусобақаларига мезбонлик қилаётган давлатлардан бирига айланди. Фикримизни сўнгги пайтларда мамлакатимиз бадиий гимнастика бўйича Жаҳон кубоги босқичлари, 2010 йилда ўсмир қизлар ўртасидаги Осиё чемпионатининг республикамизда муваффақиятли ўтказилгани тасдиқлаб турибди.

Шунингдек, ҳар бир вилоятда бугун турли даражадаги турнирларнинг ўтказилаётганини ҳам таъкидлаш жоиз. Хусусан, биргина жорий йилнинг сўнгги икки ойида Самарқанд, Андижон, Наманган, Бухоро шаҳарларида бир-биридан қизиқарли беллашувлар ташкил этилди. Ана шундай мусобақалардан бири яқинда пойтахтимиздаги "Универсал" спорт саройида бўлиб ўтди. "Гимнастика барча учун" шиори остида ташкил этилган Ўзбекистон очиқ чемпионатида 500 нафарга яқин даъвогар ғолиблик учун баҳс олиб борди. Улар орасида мактаб ва коллеж ўқувчилари билан бир қаторда уй бекалари, корхона ва ташкилот ходималарининг борлиги мамлакатимизда спортнинг бу тури хотин-қизлар ўртасида кенг оммалашаётганини намоён этди. Шунингдек, бу йил мусобақа доирасида турли вазирлик ва идораларда фаолият юритаётган аёллар ўртасида ҳам беллашувлар ташкил этилди.

Қисқаси, бугун спорт билан фақат чемпионлар шуғулланишлари керак, деган қараш эскирди. Эндиликда ҳар бир инсон ўз саломатлигини мустаҳкамлаши учун жисмоний тарбия билан ошно бўлиши лозимлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Шундай экан, юртимиздаги барча оилаларга жисмоний тарбия ё спортнинг кириб бориши хонадонларда соғлом турмуш тарзининг шаклланишини таъминлайди.

Азим РЎЗИЕВ,
"Hurriyat" мухбири

✓ ФАҚАТ ФУТБОЛ ҲАҚИДА

«Локомотив» плей-оффдан бошлайди

Хабарингиз бор, келгуси йили Осиё чемпионлар лигаси турнирида юртимиз шарафини «Пахтакор», «Бунёдкор» ва «Локомотив» жамоалари ҳимоя қилади. Улардан дастлабки икки жамоа мусобақаларни бевосита гуруҳ босқичидан бошлайди. «Локомотив» эса плей-офф баҳсларида иштирок этади. Темирйўлчилар гуруҳ босқичи йўлланмаси учун БААнинг «Ан-Наср» клубига қарши баҳс олиб боради. Ўйин 9 февраль куни Дубай шаҳрида бўлиб ўтади.

Қурьа натижаларига кўра, агар «Локомотив» плей-офф босқичида муваффақиятга эришса, «С» гуруҳидан ўрин олади. Ушбу гуруҳда, шунингдек, Эроннинг «Сепоҳон», Қатарнинг «Ал-Ғарафа» ва Саудия Арабистонининг «Ал-Аҳли» жамоалари бор.

2012 йилги мамлакат чемпиони «Пахтакор» Ғарб минтақаси «В» гуруҳида Қатар чемпиони «Лаҳвия», Саудия Арабистони чемпионатининг 4-жамоаси «Ал-Иттифоқ» ҳамда «Сабои Қум» (Эрон) ва «Аш-Шабоб» (БАА) ўйини ғолибига қарши майдонга тушади. Ўтган мавсумдаги каби Шарқ минтақасидан ўрин олган «Бунёдкор»га «G» гуруҳида «Санфречче Хиросима» (Япония), «Поханг Стилерз» (Жанубий Корея) ҳамда «Бейжинг Гуоан» (Хитой) рақиблик қилади.

Турнирнинг гуруҳ босқич баҳслари 26 февраль куни бошланиб, 1 майда ниҳоясига етади.

2013 йилги Осиё Чемпионлар лигаси форматига киритилган ўзгаришлардан бири сифатида, нимчорак (1/16) финал баҳслари аввалгидек битта эмас, балки иккита (уйда-сафарда) ўйиндан иборат бўлишини қайд этиш мумкин.

Денисов «Днепр»дан кетадими?

Миллий терма жамоамиз ҳимоячиси, Украинанинг «Днепр» клуби аъзоси Виталий Денисов янги йилда бошқа жамоага ўтиши мумкин. uff.uz сайтининг хабар беришича, «Днепр» бош директори Андрей Стеценко оммавий ахборот воситаларига берган интервьюсида шу ҳақда тўхталиб ўтган.

«Мен шуни биламанки, клубимиз буёғига Виталий Денисовсиз фаолият олиб боради, — деган бош директор. — Чунки биз у билан янги келишувга эриша олмадик. Футболчининг шартнома муддати 31 декабрь куни тугайди».

Маълум бўлишича, В.Денисовга хориж клубларидан таклифлар билдирилган.

Месси рекордни янгилади

Испаниянинг «Барселона» жамоаси ҳужумчиси Лионель Месси янги рекорд ўрнатди. Аниқроғи ҳужумчи жорий йилда рақиб жамоаларни 86 маротаба доғда қолдириб, германиялик афсонавий футболчи Герд Мюллернинг рекордини янгилади.

Ўтган якшанба оқшомида Испанияда миллий чемпионатнинг навбатдаги тур ўйинлари бўлиб ўтди. «Бетис» жамоаси меҳмони бўлган каталонияликлар 2:1 ҳисобида ғалаба қозонишди. Иккала тўп ҳам Л.Месси ҳисобига ёзилди. Аргентиналик футбол юлдузининг миллий чемпионатдаги голлари сони эса 22 тага етди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Уюшма аъзоси, фахрий журналист Салоҳиддин Сафаровга ўғли **АНВАРЖОН**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ЙЎҒ-ЕЙ

Миш-миш

— Эшитдингизми?
— Нимани?
— Шаҳарда ажойиб миш-миш тарқалибди.
— Ростданми, биз ҳам эшитайлик.
— Хуллас, энди хонадондан чиқадиган чиқиндилар тур-турига ажратилиб, ҳар хил рангли халтачаларга солиниб, ахлатчиларга топширилар экан. Худди чет элдагидек.
— Йўғ-ей!
— Ҳа, рост. Ишончли одамлардан эшитдим.
— Қачон шундай қилинаркан?
— Шуниси аниқки, бу янгилик қайси йилда амалга оширилиши айтилмаган.
— Йўғ-ей!

Сур БЕК

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис:
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси
Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Электрон манзил: info@uzhurriyat.uz

Бош муҳаррир
Ўктам МИРЗАЁРОВ

Таҳрир ҳайъати:
Фирдавс АБДУХОЛИҚОВ
Камол АЛЛАЁРОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Ғулом МИРЗО
Феруза МУҲАММАДЖОНОВА
Акмал САИДОВ
Сайди УМИРОВ
Шерзод ҒУЛОМОВ

Телефонлар: 236-53-31, 236-53-38, 233-67-51; Тел-факс 236-75-15
Реклама ва маркетинг бўлими: Тел:233-36-02.

Вилоят мухбирларимизнинг телефон рақамлари:
Бухоро — (+99890)-557-40-17,
Самарқанд — 8-366-233-62-12,
Сурхондарё — 8-376-396-30-59,
Фарғона — (+99891)-672-82-33,

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.

ISSN 2010-7528
9 772010 752002 >
Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун —233

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Жобир ХЎЖАҚУЛОВ
Топшириш вақти — 21 00
Топширилди — 21 00

Адади: 6242 Буюртма — Г-1255 1 2 3 5